

# Янги — 2025 йил тўборак!



O'ZBEKISTON

IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA

## BUNYODKOR

№100 (853) 2024 йил 27 декабрь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2045 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БОШ РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш ва қурилиш режалаштириш ҳамда қурилиш режалаштириш сифати ва даражасини ошириш, шаҳарнинг меъморий-режалаштириш қиёфасини ҳамда инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизimini янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-299-сон қарорига мувофиқ:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ шаҳарларнинг бош режаларини содда-

лаштирилган кўринишда ишлаб чиқишга рухсат этилганлиги;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида аҳоли пунктларининг худудлари **консервация, реконструкция ва реновация** зоналарига ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрининг иловада келтирилган асосий кўрсаткичлари ўз ичига олган 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси (кейинги ўринларда – Бош режа) тасдиқлансин. Бунда:

Бош режанинг асосий кўрсаткичларини белгилувчи хариталар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг **Шаҳарсозлик кадастри**

**геоахборот тизимида** очик маълумот сифатида жойлаштирилади;

ҳар қандай қурилиш ишларини амалга ошириш тасдиқланган бош режа асосида белгиланган тартибда ушбу худуднинг мастер-режаси, батафсил режалаштириш лойиҳаси ёки қурилиш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқлаган ҳолда амалга оширилади;

Бош режанинг ижроси бўйича амалга оширилётган ишлар натижадорлиги тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳисоботи ҳар чоракнинг якуни бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида эшитиб борилади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Бош режанинг ижросини таъминлашда белгиланган бино умумий майдонининг ер участкасига нисбати ва қурилиш майдонининг ер участкаси-

га нисбатидан иборат кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда, бинолардан фойдаланиш тартибга солиниши ва худудларда биноларнинг ҳажми ва баландлиги, қават майдони нисбати бўйича жойлаштирилиши амалиётда қатъий жорий этилишини таъминласин;

**уч ой мuddатда** Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги белгиланган тартибда бош режага риоя этилиши юзасидан давлат архитектура назоратини амалга оширсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасдиқланган Бош режани жамоатчиликка етказиш бўйича оммавий ахборот воситаларида унинг кенг ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Ж. Раматов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ш. Б. Мурзақов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири** **А. Арипов**  
Тошкент ш.,  
2024 йил 24 декабрь  
880-сон

Илова ▶ 5-бетда

**Тоир АЛИМАТОВ**, Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари.



## 2024 йил бунёдкорлик борасида баракали йил бўлди



Ўтган йилни сарҳисоб қилиш, ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш, ўз олдига янги режа ва мақсадлар қўйиш инсониятга хос хислатдир. Шу жумладан, вазирлик ва ташкилотлар ҳам ҳар бир якунланаётган йил сўнггида худди шундай саволларга жавоб қидириши шубҳасиз. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳам бундан мустасно эмас. Марказий аппарат ва тизим ташкилотлари томонидан тугаб бораётган 2024 йил шиддатли йиллардан бири сифатида эсда қолади, десак мублаға бўлмайди. Шинам турар жойлар, замонавий мактаб ва боғчалар, кўркам боғлару равон йўллар, обод бўлаётган қишлоқ ва маҳаллалар...

Демак, 2024 йилни бунёдкорлик соҳасида баракали йиллардан бири бўлди десак, арзийди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-299-сон қарорига мувофиқ, жорий йилда жами 146 та аҳоли пунктнинг бош режа ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилди. 2025 йил Дастурига мувофиқ эса 169 та аҳоли пунктнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Бугунги кунда мазкур режадаги аҳоли пунктларининг топо-геология ишлари 100 фоиз, бош режа ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари 50-60 фоизга бажарилган.

**Озода ЖЎРАЕВА**, Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари.



Йил якуни барча ташкилотлар учун муҳим палла ҳисобланади. 2024 йил Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда тизим ташкилотлари учун натижаларга бой йиллардан бири бўлди.

## Коммунал соҳадаги ислохотлар халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда

Бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда коммунал соҳада ҳам кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Хусусан, кўп хонадонли уйлари эксплуатация қилиш ва таъмирлаш ишлари ҳам жорий йилда жадал равишда олиб борилди. Хозирги кунда республикада 1 миллион 400 мингдан ортиқ хонадондан иборат 42 340 та кўп квартиралар уй мавжуд бўлиб, шундан, 38 483 та уйга 831 та бошқарув ташкилоти, 897 тасига эса 166 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва 1 533 та уй бевосита мулкдорлар томонидан бошқарилади. Қолган 1 427 та уй идора ва ташкилотлар балансида. Бугунги кунда 831 та бошқарувчи ташкилотнинг хизмат кўрсатиш биноси мавжуд бўлиб, уларда жами 18 мингдан ортиқ зарур моддий-техника ва ускуна мавжуд. БСҚларда умумий ҳисобда 12 537 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Бу соҳа ҳам йил сайин такомиллашиб, янги тизим ва замонавий дастурлар ҳисобига самарадорлик ҳам ошиб бормоқда. Уй-жой мулкдорларининг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг

тизими жорий этилгани шулар жумласидандир. 2024 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 9 849 та кўп квартиралар уйларида бошқарув ташкилотлари маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари олиб борилган. Натижада 2 846 та уйнинг том қисми, 6 975 та кириш йўлаги, 3 624 та электр тақсимловчи шит, 1 022 та уй ички муҳандислик тармоғи, 3 833 та ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоғи ва 1 159 та уйнинг фасад қисми таъмирланди. Шунингдек, 2 075 та кодли кулфли темир эшик, 317 та кодли кулф, 4 318 квадрат метр фрамуға ойна ромлари ва 4 279 та энергия тежамкор сенсорли лампа ўрнатилди. Маҳаллий ҳокимликлар, "Худудий электр тармоқлари" корхоналари билан ҳамкорликда республикадаги 39 334 та уйнинг 374 мингдан ортиқ электр хўжалик объектлари хатловдан ўтказилиб, "қизил", "сарик" ва "яшил" тоифаларга ажратилди. Шу асосда 95 мингдан ортиқ кириш йўлақларидаги "қизил" тоифага мансуб 108 мингдан ортиқ шитлар мукамал таъмирланди.

▶ 2-бет

▶ 2-бет

1-бет

## 2024 йил бунёдкорлик борасида баракали йил бўлди



Шунингдек, қурилиш нормалари ва қоидалари, шу жумладан, идоровий қурилиш нормаларини қайта қўриб чиқиш чоралари бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 78 та ШНҚ ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик (идора)лар билан келишилди ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди. 12 та ШНҚ ишлаб чиқилиб, айна вақтда тегишли вазирлик (идора)лар билан келишиш жараёнида. 56 та стандарт ўзбекистон стандартлар институти томонидан рўйхатда олинган бўлса, 4 та техник регламент ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан иш турлари, қурилиш материаллари, машина ва механизмлари курсаткичларининг ягона базасини ўзида ифода этувчи "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" ишлаб чиқилгани ҳам йилнинг муҳим янгилиги бўлди. Мазкур классификатор 180 мингдан ортиқ қурилиш ресурсларига таснифланган бўлиб, электрон платформа ҳам (<https://catalog.tmsit.uz>) ишга туширилди. Платформага ҳозирги кунга қадар мингдан ортиқ ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларнинг 35 мингдан ортиқ махсулоти киритилган. Солиқ қўмитасининг маълумотлар базаси билан интеграция

ҳисобига МХИК кодлари орқали махсулотларнинг ҳисоб фактурасидаги маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. Маълумки, юртимизда йил сайин аҳоли сонининг ортиб бориши ҳисобига уй-жойга бўлган талабнинг ҳам ошиши кузатиляпти. Аҳолини қўлай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Булардан бири, албатта, "Янги Ўзбекистон" массивларидир.

Жорий йилда "Янги Ўзбекистон" массивларини барпо этиш ва кўп қаватли уйлар қуриш бўйича белгиланган режалар ҳам тўлиқуддаланди. Хусусан, ҳудудларда 100 мингта квартирадандан иборат 2 146 та уй қуриш режалаштирилган. Унга кўра, 52 та "Янги Ўзбекистон" массивида 772 та, уй-жойга талаб юқори ҳудудларда тadbirkorлар томонидан 1374 та уй-жойларни қуриб фойдаланишга топшириш белгиланган. Бугунги кунда, дастурдаги уйларнинг 1715 таси, яъни 80 262 та хонадон фойдаланишга топширилган. Шундан, "Янги Ўзбекистон" массивларида 350 та ҳамда тadbirkorлар томонидан 1 365 та уй қуриб битказилди. Бугунги кунда қолган 37 минг 845 та хонадонли 815 та уйларда ҳам қурилиш ишлари ақунланиш арафасида.

Шунингдек, 2024 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузил-

масини ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 21 млрд 21 млн сўмдан зиёд бўлган 2 444 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, жорий йилда топширилиши кўзда тутилган объектлардан 1 342 тасида ишлар якунланди. Шундан, 710 та мактабга ва мактаб таълими объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан, қиймати 1 трлн 344 млн сўмлик 1 420 та объектда қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар барчаси фойдаланишга топширилди.

Соҳалар кесимида 264 та автомобил йўллари, 131 та ичимлик суви, 511 та электр тармоқлари, 106 та газ тармоқлари, 2 та иссиқлик таъминоти, 203 та ижтимоий соҳа, 28 та куз-қиш объекти, 175 та бошқа соҳа объектиларини ташкил этди.

Бир сўз билан айтганда, поёнига етаётган 2024 йилда вазирлик ва тизим ташкилотлари ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни тўлақонли уддалади, десак хато бўлмайди. Келгуси йилда ҳам шу шижоатни сўндирмасдан, янада катта куч ва ғайрат билан ишлаб, юрт раванки ва халқ фаровонлигига ҳисса қўйиши ният қилганмиз.

## Коммунал соҳадаги ислохотлар халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда

1-бет

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг "2021-2027-йилларда республикадаги кўп квартиралли уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент шаҳрида 402 та, Бухорода 2 та, Самарқандда 22 та, Навоийда 18 та ҳамда Андижонда 1 та янги лифт ускунаси ўрнатилди.

Соҳадаги яна бир устувор масалалардан бири бу тизимни рақамлаштиришидир. Бу борада ҳам 2024 йилда қатор ютуқларга эришилди. Хусусан, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот платформасида Бошқарув сервис компаниялари томонидан хизмат кўрсатиладиган кўп қаватли уйлар ва улар ҳақидаги маълумотлар жамланган "Менинг уйим" билнинг тизими жорий қилинди. Мазкур тизимда, ҳозирги кунда республикадаги 40 129 та кўп квартиралли уй ва 1 358 145 та хонадон билнинг тизимига киритилиб, мажбурий бадал ҳисоблари юритилмоқда. Ҳар бир хонадонга алоҳида шахсий ҳисоб рақамлар очилган бўлиб, мазкур ҳисоб рақамлар орқали онлайн тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда мажбурий бадал тўловларини амалга ошириш имконияти яратилди.

Вазирлик томонидан тизимни такомиллаштириш ишлари амалга оширилиши натижасида бошқарув органларининг реестрини рўйхатдан ўтказиш ва бошқарува кўп квартиралли уйларни бириктириш билан боғлиқ жараёнлар <https://reestr.kommunal.uz/> платформаси орқали тўлиқ онлайн форматга ўтказилди. Тизимнинг мобил ва веб-сайт версиялари яратилиб, "Ягона мижоз" тамойили асосида барча коммунал тўловлардан балансини кўра олиш ҳамда тўлов қилиш, шунингдек, бошқарув органлари ҳақидаги маълумотлар, мажбурий бадал тўловлари тарихи, онлайн тарзда кўп қаватли уйларда мавжуд муаммолар бўйича мурожаат юбориш, бошқарув органнинг фаолияти юзасидан ҳисоботларни онлайн тарзда қўриб чиқиш, бошқарув органи фаолиятини баҳолаш, мулкдорлар умумий йиғилишини чақириш бўйича ташаббусни илгартириш имконияти яратилди.

2024 йилда иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш тизими ҳам такомиллашди. Бугунги кунда республикада жами 1 миллиондан ортиқ хонадондан иборат 26 минг 34 та кўп қаватли уй марказла-

ган ва индивидуал иссиқлик энергияси билан таъминланган. Ҳудудларда фаолият юритаётган 498 та қозонхона ва 3 500 километр иссиқлик тармоқлари томонидан бугунги кунга қадар 15 минг 795 та кўп қаватли уйдаги 727 минг 300 та хонадон ва 4 020 та ижтимоий соҳа объектига 5,1 миллион Гкал иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб берилган. Шунингдек, 2024 йилда 15 та инвестиция лойиҳаси доирасида 10 та қозонхона ва 65,3 километр иссиқлик тармоқларида қурилиш-реконструкция ишлари бажарилиб, 14 та иситиш қозонлари ўрнатилди.

Шу жумладан, "Янги Ўзбекистон" массивларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш дастури доирасида 48,2 километр иссиқлик тармоқларини қуриш ва 18 та иситиш қозонларини ўрнатиш ишлари ҳам якунига етказилди. Қолган объектлар бўйича ҳам қурилиш-монтаж ишлари режа-график асосида олиб борилмоқда. Жаҳон банки иштирокидаги лойиҳалар доирасида бугунги кунга қадар 365 МВт қувватга эга жами 13 та қозон етказиб келиниб, 265 МВт қувватга 10 та иситиш қозонлари қуриб битказилди. 56 километр иссиқлик тармоқлари янгиланиб, 1 280 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди. Иссиқлик таъминоти тизимини қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилди. Хусусан, 3 та қозонхона, 736 та қозон, 585,2 километр иссиқлик тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди.

Қолаверса, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизмати соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами ҳам кам эмас. Хусусан, аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, 77,2 фоизга ташкил этган. Жорий йилда 220 та ичимлик ва оқова сув объектида 805,4 километр ичимлик, 275,7 километр оқова сув тармоқлари ва 67 та ичимлик, 29 та оқова сув иншоотида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш режалаштирилган эди. Ҳисобот даврида 736,4 километр ичимлик, 233,1 километр оқова сув тармоқлари ва 65 та ичимлик, 23 та оқова сув иншоотини қуриш ҳамда реконструкция ишлари якунланди. Қолган объектлар бўйича қурилиш-монтаж ишлари режа-график асосида амалга оширилди.

Мазкур ишлар натижасида 2024 йил якуни билан аҳолининг ичимлик суви

билан таъминланганлик даражаси 77,2 фоиздан 81 фоизга етказиб режалаштирилган бўлиб, бунда 1,3 миллион нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва 3 млн нафарининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга эришилди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизмати соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳада ағона сиёсат юритиш ҳамда дастурлар ишлаб чиқиш бўйича жорий йилда 6 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрлангани ҳам бу борадаги ишларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Тизимда амалга оширилиши лозим бўлган галдаги муҳим вазифа – коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларида энергиясамардорлигини таъминлашдан иборат. Зеро, энергия ресурслари йилдан йилга чекланиб бораётган бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим йўналиши ҳисобланган коммунал соҳада ҳам янги ёндашувлар талаб этилмоқда. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан бу борада комплекс тadbirkorлар, режалар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда амалий ишлар бошлаб юборилган. Поиттахимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Катта Оқтепа маҳалласи Гулҳанчи кўчасида жойлашган уйларни энергиясамардорлигини ошириш борасида қатор ишларга қўл урилмоқда. Хусусан, мазкур уйларнинг том қисми капитал таъмирланиб, профнастил қопламаси билан қопланган. Шунингдек, уйларнинг муҳандислик тармоқлари тегишли талабар асосида тўлиқ изоляция қилинган. Бунинг натижасида бир уйнинг энергиясамардорлик кўрсаткичи 50 фоизга ортади.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжлари билан боғлиқ коммунал соҳани ривожлантиришга бугун давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Коммунал ресурсларни таъминлаб бериш корхоналарини босқичма-босқич модернизация ва реконструкция қилиш, соҳада йиллар давомида эътибор берилган муносабатларни тартибга солиш, кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган имконият ҳамда имтиёзлар бериш каби ишлар шулар жумласидандир. Мазкур ислохотлар аҳолиминини қўлай шароит билан таъминлашни назарда тутиши билан аҳамиётлидир.

Кабылбек АЙИТБАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири.

## ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ юртдошларимизнинг турмуш даражасини оширади

лиши белгиланган бўлиб, шу кунгача уларнинг 47 таси фойдаланишга топширилди. Қолганлари йилдан-йилга ўтувчи бўлгани учун айна пайтда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастур доирасида Нукус шаҳридаги "Косбулак" МФИ ҳудудида футбол академиясининг мавжуд бино ва иншоотларини мукамал таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Нукус шаҳрида "Қураш маҳорати" спорт мактабини қуриш, йиғит-қизларни Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ва "Турон" МФИдаги "Турон" уйингоҳини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

"Таълимга эътибор – келажакка эътибор" йўналишидаги долзарб масалага эътибор қучатирилиб, Оролбўйи минтақасида мактаб ва болалар богчасини қуриш-таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Якунланётган йил ҳисобидан "Инфратузилмани ривожлантириш" ИК ДМ буюртмачилигида 35 та мактаб, 8 та мактабгача таълим ташкилоти учун маблағ ажратилди. Жумладан, Нукус шаҳридаги 10-сонли кўзи оғир ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернати, "Шимбай шайхана" МФИдаги 48-, Берунийдаги 70-, Тўртқўлдаги 28-сонли ҳамда 49-сонли мактаблар, Эллиқалъадаги таълим муассасаларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Таълим-тарбия даргоҳларида зарур шароитлар яратиш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилиш ва бунёдкорлик ишлари давом эттирилгани туфайли инвестиция дастури бўйича Тахтақўпир, Амурдарё, Хўжайли, Беруний, Чимбой туманлари ва Нукус шаҳридаги қатор болалар богчалари бинолари жорий таъмирланди. Бўзтов туманида янги мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналар ва болаларда учрайдиган турли хил хасталиқларнинг барвақт олдини олишга қаратилган қонунлар ижросини

ҳаётга татбиқ этиш бўйича Оролбўйи ҳудудларида 2024 йилдаги каби кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмаган эди. Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши туфайли зарур маблағ ажратилиб, бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда шифо ҳамда даволаш масканлари замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги "Ягона буюртмачилиги" инжиниринг компанияси ДУК буюртмачилигида Нукус шаҳридаги "Ҳаво йўли" МФИ ҳудудида иқтисодлаштирилган мактаб, соғлиқни сақлаш объекти, Тўртқўл туманидаги "Ғалаба" МФИда 70 ўринли туғуруқ бўлими биноси, Амурдарё ҳамда Беруний туманларида оилавий шифохоналар таъмирланди. Эллиқалъа туманидаги "Бўстон" МФИда 90 ўринли туғуруқ бўлими биноси, Нукус шаҳридаги "Қўтли макон" МФИда 11-сонли оилавий поликлиника ҳамда Шуманай туманидаги тиббиёт бирлашмаси ҳудудида 400 қатнов қувватига эга кўп тармоқли поликлиника қуриб битказилди.

Булардан ташқари, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 129 та лойиҳа учун маблағ ажратилиб, 221,0 километр сув тармоқлари ҳамда бир нечта иншоотда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Натижада шу йилнинг ўзида 30 дан ортиқ маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларида яшаётган 13 758 нафар аҳоли илк марта тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 апрелдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокида "Ўзбекистоннинг Фарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4271-сон қарорига биноан, суткасига 140 минг куб метр қувватли "Туямуён" сув тозалаш иншоотида иккинчи кўтарма насос станцияси реконструкция қилинди. Шу ҳаракатнинг давоми сифатида ишлаб чиқилган лойиҳа биноан, Нукус, Қораўзақ, Беруний ва Амурдарё туманларида 227 километр сув

тармоқлари тортилиб, бугунги кунда ҳам бу ерда ишлар қизғин давом этмоқда.

Алоҳида эътироф этадиган яна бир жиҳат – ҳудудларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшаётган "Ташаббусли бюджет" орқали амалга оширилган ишлардир. Ана шу лойиҳанинг биринчи мавсумида ҳудудлардаги 143 та объектда қиймати 140,7 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари сифати урдаланган бўлса, иккинчи мавсумда 77 та объектда ишлар жадал олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилма дастурлари ижросини таъминлаш ички ва халқаро уйларни реконструкция қилиш, янгиликларни қуриш масаласига ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилгани бежизга эмас. Чунки ҳудудлардаги йўлларнинг 85 фоизи 50 йиллар давомида таъмирланмаган. Бу эса, йўловчи ва транспорт воситалари ҳаракатида жиддий зарар етказиб, қўнғилсиз ҳодисалар келиб чиққанини одамлар яхши эслайди. Бугунги кунда бу соҳадаги ислохотлар натижасида халқаро талабларга мос, мустаҳкамлиги юқори бўлган 240 километр узунликдаги йўлга цемент-бетон қопламаси ётқизилди. Эндиликда бу йўлларнинг юк кўтариш қобилияти 8 тоннадан 13 тоннага оширилди. Шу сингари йўл бўйларига 8 та вақтинчалик тўхтаб туриш жойлари ташкил қилиниб, ҳар бирида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди.

Шунингдек, аҳолининг электр энергияси ва табиий газ маҳсулотлари билан узлуксиз равишда таъминлаш юзасидан кейинги икки йил оралиғида қилинган сўй-ҳаракатлар, айниқса, аёзли кунларда яхши натижа бермоқда. Биргина якунланётган йилда фақат электр таъминотини яхшилашга йўналтирилган маблағ ҳисобига 11 645 дона бетон устун ўрнатилиб, 644,3 километр узатиш тармоқлари, 420 та трансформаторни янгилаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Газ тармоқларини яхшилаш бўйича ҳам зарур маблағ сарфланиб, 88,2 километр тармоқ ва ҳудудлардаги ГТПларда

қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эндиликда 78 фоиз аҳоли хонадонни табиий газ ва электр манбаларидан узлуксиз фойдаланмоқда. Олис туман ва 28 та овулда яшаётганлар ҳамда қоравдорлар учун эса махсул машиналар орқали суюлтирилган газ ўз вақтида етказиб берилди.

Умуман олганда, қайси соҳада бўлмасин, ҳар қандай бажарилган иш вақти келиб ҳисобот талаб қиларкан, Қолаверса, янги йил арафасида ҳар қандай киши ўтган даврда, нималарга эришганию, қайси ишлари якунига етмай қолгани юзасидан ўз-ўзига ҳисобот бериши аънамага айланган. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2024 йил сарҳисоби бўйича ҳудудларда инвестиция, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, "Ташаббусли бюджет" ва бошқа давлат дастурлари доирасида 7 триллион 597 миллиард сўмлик қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу билан 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 106,1 фоиз ўсишга эришилди.

Биринчи иккинчидан фарқланувчи истиқболли лойиҳалар амалга татбиқ этилаётгани туфайли ҳудудлар қиёфаси тубдан янгиланиб, аҳолининг яшаш тарзи ва турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Давлатимиз томонидан Оролбўйи минтақасида яшаётганларга кўрсатилган га мўъжиза ҳеч қайси даврда бўлмаганини кўпни кўрган нурунийлар алоҳида эътироф этишяпти. Фаровонликни янада яхшилаш ва ҳудудда истиқомат қилаётган кишилар ҳеч қандай кам бўлмадан яшашига йўналтирилган давлат дастурлари эса халқимизни янада руҳлантирмоқда.

Қурувчи ва бунёдкорлар амалга оширилган ишларни жадал давом эттириш ниятида янги – 2025 йилни қутиб олиш тараддуида турибди. Олдинда эса ижтимоий масалаларни янада кенг шакллантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишларини жадал ривожлантириб, "Янги Ўзбекистон" массивларидаги ишларни ниҳоясига етказиш мақсад қилинган.



**2024 йил – Қорақалпоғистон Республикасининг тарих саҳифасини янада бойитди, дейишга асос бор. Чунки ўтган ҳар бир кун яратиш ва янгиликлар билан қамраб олинди. Юртимизнинг бошқа ҳудудлари каби Оролбўйи минтақасида ҳам ўтаётган йилда катта ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, турар жойга муҳтожлар учун юзлаб уйлар, маъмурий бинолар, ижтимоий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Юртбошимизнинг аҳолини уй-жой билан таъминлашга йўналтирилган фармон ва қарорлари асосида "Янги Ўзбекистон" массивлари ҳамда турар жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда 4 276 хонадонли 114 та кўп қаватли уйлар қурилиши белгиланган эди. Шунга биноан, жорий йилда "Янги Ўзбекистон" массивларида 1010 хонадонли 32 та уй қурилиши белгиланган бўлиб, шу кунгача Кегейли, Қораўзақ, Қонлиқўл ва Эллиқалъа туманларида 10 та 310 хонадонли уй-жой қуриб битказилди. Булардан ташқари, турар жойга талаб юқори бўлган Амурдарё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Нукус, Қўнғирот, Тахитов, Тахтақўпир, Хўжайли, Чимбой, Тўртқўл, Шуманай туманлари ва Нукус шаҳрида жами 3326 хонадонли 82 та уй-жой қури-

# Йил якуни сарҳисоб қилинадиган палла

2024 йил ҳам поёнига етиб бормоқда. Бундай пайтда ҳар қандай инсон ортга назар ташлаб, ўтган бир йилни сарҳисоб қилади. Хўш, мен бу йилда нималарни мақсад қилгандиму, нималарга эришдим? Бу саволлар ҳар биримизни ўйга толдириши шубҳасиз. Қуйида юртдошларимизнинг шу ҳақдаги ўй-фикрлари билан қизикдик.

## Козим ТУЛЯГАНОВ, Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлари кенгаши раиси:

– 2024 йил биз учун ҳам кенг қўламли ишлар йили бўлди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 июлдаги “Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлари қўлали шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 431-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Кенгаш томонидан бугунги кунга қадар мингдан зиёд архитектура ва қурилиш соҳаларида фаолият юритаётган ташкилотлар рўйхати шакллантирилди. 400 га яқин ташкилотга мурожаат этилиб, 1 250 нафар фахрий аниқланди. Соҳага оид олий ўқув юрлари талабаларини ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, эстетик ва ахлоқий тарбиялашда “Устоз шогирд” аънаъаси бўйича фахрийлар иштирокида 19 мартаба эркин мулоқот сифатидаги давра сўхбатлари ўтказилди. Соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мурожаат қилиниб, 34 нафар фахрий дам олиш ва 42 нафари даволаниш учун юборилди.

Шунингдек, жорий йилда Архитектура ва қурилиш соҳасида фахрийлар кенгаши Устави Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунига асосан, янги тахрирда ишлаб чиқилди. Хусусан, фахрийларни аниқлаш тартиби ишлаб чиқилиб, кенгаш устави киритилди. Шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича концепциялар ва дастурларни шакллантириш, замонавий талабларни амалиётга жорий этиш, миллий архитектура-маданий аънаъаларни ривожлантириш, шу билан бирга, шаҳар ҳудудларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги 4 мартаба таклиф ва тавсиялар жамланмаси киритилди. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда стандартларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийларининг бой ҳаёт тажрибаси, амалий маҳорати ва юксак салоҳиятидан доимий равишда кенг фойдаланиб келяпмиз.



## Фарҳод ЭСАНБОЕВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Юридик таъминлаш бўлими бошлиғи:

– Юридик таъминлаш бўлими томонидан 2024 йил давомида вазирлик фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш ташкил этиш, норма ижодкорлиги фаолияти соҳасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига оид 90 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шундан, 4 таси қонун лойиҳаси, 15 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, 66 таси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари лойиҳаси ва 5 таси идоравий (вазир буйруғи ёки қўшма қарор) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Ушбу лойиҳалардан 17 таси белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилинишига эришилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 11 та қарори шулар жумласидан.

Шунингдек, 70 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК) ҳамда смета-ресурс нормалари (СРН)нинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даво ишларини юритиш соҳасида 60 дан ортиқ шартнома ҳамда 900 дан ортиқ буйруқ лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Бундан ташқари, ходимларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида доимий равишда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб бориляпти.

2025 йилда ҳам бу каби ишларни амалга ошириш учун бўлими томонидан кенг қўламли вазифалар режалаштирилган.



## Баҳром НАЗАРОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш бўлими бошлиғи:

– 2023 йилнинг 11 сентябрида Президентининг ПФ-158-сонли Фармони билан 5 та устувор йўналиш ҳамда 100 та мақсаддан иборат “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” таъминлиги асосланган сиёсатни илчил давом эттириш каби долзарб вазифалар белгиланган. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 60-мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш белгиланган.

Давлат раҳбарининг тегишли фармони асосан, “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишини давом эттириш ва уй-жой қурилиши ҳажмини 2024 йилда 80 мингга етказиш режалаштирилган эди. Жорий йилда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. “Янги Ўзбекистон” массивларининг бўш турган ер участкалари ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда қуриладиган уйларнинг Манзилли рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, республика бўйича жами 100 мингта хонадондан иборат уйларни қуриш белгиланди. Ҳисобот даврида уй-жойлар қурилиши ҳажми 100 мингта хонадондан ортиқ ҳолда бажарилиб, улардан 85 минг хонадондан иборат уй-жойлар фойдаланишга топширилиши таъминланди. Қолганлари бўйича яқини ишлар амалга оширилмоқда.

Келгуси йилда ҳам олдимизда турган вазифалар бисёр. “Янги Ўзбекистон” массивларида ва халқаро автомобиль йўллари бўйида 6 мингта савдо ҳамда сервис объекти қуриш, ҳудудларда 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш, “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиб, қўшимча 200 мингта оилга мўлжалланган уйларни барпо этиш кабилар шулар жумласидандир.



## Эркин ИСКАНДАРОВ, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ директори ўринбосари:

– Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” давлат муассасаси жорий йил бошида ўз олдида қатор режалар, мақсад ва вазифалар қўйган эди. Бугунги кунга келиб мазкур режалар муассасани томонидан амалга оширилди, дея айтиш мумкин. Хусусан, экспертиза соҳасини тўлиқ рақамлаштириш жараёни давом эттирилиб, бир-бирини такрорловчи айрим функция ва лавозимлар қисқартирилди. Жумладан, ҳудудларда бошқарув ходимларининг (ҳисобчи ҳамда ходимлар масалалари бўйича мутахассис) штаб бириклари қисқартирилди, шунингдек, директор лавозимлари мақбуллаштирилиб, бошқарма бошлиғи лавозимига ўзгартирилди. Бунинг натижасида эксперт мутахассислар сони кўпайтирилиб, иш самардорлиги оширилди. Соҳа экспертларининг малакаси оширилиб, 110 нафардан зиёд эксперт сертификатланди. Шунингдек, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда тубдан янгиланди.

Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида экспертиза кўригига тақдим этилаётган айрим (хавф-хатар тоифаси I ва II) тоифадаги лойиҳаларни кўриб чиқиш учун муайян бир ҳудудга йўналтириш функцияси бекор қилиниб, лойиҳаларни кўриб чиқувчи ҳудудни автоматлаштирилган дастурий таъминот томонидан мустақил равишда ҳудуднинг ўз юкмасинини инобатга олган ҳолда тасодифий танлаш функцияси жорий этилди.

Экспертиза тизимини тўлиқ рақамлаштириш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тайёрланган тақдимот материаллари ҳамда электрон платформанинг онлайн режимда ишлаш механизми мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Шунингдек, лойиҳаолди ҳужжатларини қалбакилаштириш ҳолатлари олдини олиш ҳамда маълумотларни онлайн режимда қабул қилиш мақсадида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ишга туширилган expertiza.mc.uz платформаси бошқа манфаатдор идора ва ташкилотларнинг электрон платформалари билан интеграция қилинди. Объектларнинг лойиҳа ҳужжатларида сейсмик хавфсизлик, зилзилабардошлик ва конструкциялар мустаҳкамлиги курсаткичларининг таъминланганлиги ҳолати ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга тўқисиз шартит яратилганлиги юзасидан экспертиза тизимини кучайтирилди.

2025 йилда ҳам “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” давлат муассасаси томонидан юқоридаги каби кенг қўламли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу йўлда олдимизга аниқ мақсад ва вазифалар қўйган ҳолда фаолият олиб борамиз.



## Абдуғани ЛАПАСОВ, “O‘zshaharsozlik LITI” ДМ бош архитектори:

– “O‘zshaharsozlik LITI” давлат муассасаси томонидан жорий йилда кўлаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023 – 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарорига асосан 49 та, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги “Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-245-сонли қарорига асосан 10 та, шунингдек, бошқа ҳужжатларга асосан 5 та шартнома, шу билан бирга, архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича 30 та шартнома расмийлаштирилди.

Келгуси йил учун ҳам қатор мақсад ва вазифаларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ушбу йўлда жамоамиз билан астойдил меҳнат қиламиз.



## Неъмат ХОЛОВ, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори:

– Ўтаётган йил вилоятимиз миқёсида катта бунёдкорликлар амалга оширилган йил сифатида эсда қоладиган бўлди. Чунки давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида вилоят ҳокими жорий йилнинг охиригача Бухоро вилоятида 5 мингта хонадонни фойдаланишга топширамиз, деб ваъда берган эди. Мазкур режа бўйича астойдил ишлаб, хонадонлар қурилишини ниҳоясига етказдик. Янги йил арафасида ушбу ишларнинг фойдаланишга топшириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Бухоро шаҳрининг Н. Ганжавий номидаги МФЙ, Ҳамза кўчасида қурилаётган кўп қаватли турар жой объектларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда реновация дастури асосида қурилган уй-жойлар сифатини назорат қилиш ишларини амалга оширяпмиз.

Аҳолининг осойишта, фарован яшашига хизмат қиладиган бино ва иншоотларнинг сифатини назорат қилиш борасидаги ишларни келгуси йилда давом эттиришни мақсад қилганмиз.



## Шомурод БЎРОНОВ, Халқ депутатлари Когон тумани Кенгаши котибияти мудир:

– Ўзим сайланган ҳудуд аҳолиси билан очик мулоқот жараёнида келиб тушган мурожаатларга ўз вақтида ижобий ечим топиш учун ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Хусусан, туманининг “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкиллаштирилган халқ билан очик мулоқот жараёнида аҳоли маҳалла ҳудудидаги ариқларни бетонлаштириш масаласида амалий ёрдам сўрашган эди. Муаммони ҳал этиш учун тегишли ташкилот раҳбарлари билан боғланиб, ариқларни бетонлаштириш юзасидан аҳоли мурожаатларини ижобий ҳал қилиш чораларини кўряпмиз.

Юртимизда аҳоли фаровонлиги, яшаш шароитларини яхшилаш учун янги биналар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Албатта, уларнинг сифати бугунги замон талабига мос келиши ҳам энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Сайланган ҳудудимдаги кўп қаватли уйларнинг таъмирлаш ишлари якунланганлиги муносабати билан уйларнинг ҳолати, хоналарнинг иситиш тизимлари ва газ қувурларининг соғлигини жойида бориб ўрганишимиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, депутатлар хозирги кунда фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилишда халқ ва давлат ўртасидаги асосий воситачи бўлиб хизмат қилмоқда, дейиш мумкин. Бу эса халқнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, десак муболага бўлмайди.



## Абдурасул МИРЗАМАХМУДОВ, НамМҚИ Бино ва иншоотлар қурилиши кафедраси амалиётчи-ўқитувчиси:

– 2022 йилда Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Бино ва иншоотлар қурилиши йўналишини битириб, мазкур институтга иш бошладим. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Хитой олий таълим муассасаларида 2024/2025 ўқув йили давомида амалиёт ўташ ҳақида институтимиз халқаро алоқалар бўлими томонидан ташкил қилинган танловда қатнашиб, голиб бўлдим. Аввал Чунсин университетда бўлган устозлардан маслаҳат олиб, мазкур олийгоҳни танладим. Ушбу таълим дарғоғи дунё ОТМлари рейтингига ТОП-300 таликда туради. Университетда 37 та йўналиш мавжуд бўлиб, ҳозирда 50 мингдан зиёд талаба тахсил олмақда. Уларнинг 15 фоизини халқаро талабалар ташкил этади.

2024 йилни мен учун хайрли бўлди, дейишим мумкин. Сабаби, мен айна пайтда Чунсин университетда қурилиш муҳандислиги (Civil engineering) мутахассислиги бўйича ўз билим ва малакамни оширяпман. Уйлайманки, келгуси йилда ҳам бу каби қутилмаган ва кутган зафарлар бизни хушнуд этади.



## Камолитдин АРТИҚБАЕВ, “Зомин Сифат” МЧЖ таъсисчиси:

– Бугунги кунда корхонамизда 23 та тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган муҳандис-техник ходимлар ва 200-250 нафар мавсумий ишчи меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Ташкилотимиз моддий-техник базасини йилдан-йилга бойитиб бораёلمиз. Ҳозирда жамоамизнинг балансида 29 та ҳар хил турдаги қурилиш техникаси мавжуд. Жамоамиз томонидан бугунгача кўплаб ижтимоий соҳа объектлари барпо этилган. Жумладан, корхонамиз Тошкент давлат транспорт университети ҳудудидаги 1-сонли ётоқхона биносини 1-қаватини клиникага, қолган қаватларини меҳмонхонага мослаб қайта қуриш, Тошкент тиббиёт педиатрия институти клиникаси 250 қатновли ОПни реконструкция қилиш, Тошкент туманидаги “Айри ота” МФЙда жойлашган 5-умумий ўрта таълим мактабини реконструкция қилиш, Бўстонлиқ туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими биносини реконструкция қилиш каби бир қатор лойиҳаларда иштирок этган.

Кириб келаётган 2025 йилда ҳам қатор лойиҳаларни амалга ошириб, янги объектлар барпо этиш ниятидамиз.

## Гуллисо МУРОДҚУЛОВА, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети талабаси:

– Ҳозирда Архитектура факультетининг 4-босқичида тахсил оляпман. 2024 йил мен учун омадли бўлди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори бўлдим. Бу хушхабарни биринчи бўлиб онамдан эшитдим ва уларнинг табриклари менга жуда катта таъсир қилди. Бу ютук ота-онам ва устозларимнинг менга билдирган ишончини оқлаш имконини бергани билан қадрлидир. Қолаверса, университетимиз нуфузини оширишга ҳам ўз ҳиссамни қўшганидан фахрланаман.

Бу натижаларда илмий раҳбарим Дилноза Камалованинг хизматлари беқийсдир. Улар илмий ишларда, мақолаларни ёзишда ва тўғри йўналишни танлашда ҳар томонлама кўмак бердилар. Айтишим мумкинки, бу ютук фақатгина меннинг эмас, балки университетимиз, устозларим ва барча кўллаб-қувватлаган инсонларнинг меҳнати натижасидир. Келгуси йил учун ҳам олдимга кўплаб мақсадлар қўйганман ва бу йўлда астойдил меҳнат қиламан.





Азлар САДИКОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

## Ўз вақтида аниқланган камчилик СИФАТЛИ ИШ КАФОЛАТИДИР



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан якунига етган йилда қатор ишлар амалга оширилди. Мухими, аниқланган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш масаласи ҳам ходимлар эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Бу борада барча зарур чоралар қўрилиб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар доимий равишда бериб келинмоқда.

Хусусан, 2024 йилда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан кўп квартиралы уй-жой фондини бошқариш ва фойдаланиш соҳасида жами 1 896 та 9,8 млрд сўмлик маъмурий жарима расмийлаштирилган. Шундан, МЖТКнинг 159-моддаси 1-қисми бўйича 490 та 1,07 млрд сўм, 2-қисми бўйича 135 та 702,2 млн сўм ва 3-қисми бўйича 1271 та 8,03 млрд сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган.

Ноқонуний қурилмаларни тартибга келтириш бўйича 2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида кўп квартиралы уйлардаги умумий мол-мулк ва уларга туташ ер участкаларида ўзбошимчилик билан ўзгартириш, қўшимча қурилма қуриш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бузилиши бўйича инспекция томонидан 11 875 та кўп квартиралы уй ўрганилди. Натижада 4 521 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, барчасига ихти-

ёрий равишда бартараф этиш юзасидан бажарилиш мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини ихтиёрий равишда бартараф этиш юзасидан берилган мажбурий кўрсатмаларга асосан, ҳозирги кунда 1 149 таси бартараф этилган. МЖТКнинг 159-моддаси 1- ва 3-қисмлари билан 1 761 та қонунбузилиш ҳолати бўйича инспекция томонидан жами 9,1 млрд сўмлик маъмурий жарима белгиланган. Уларни мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича судларга 1 092 та даъво аризаси киритилиб, қолган ҳолатлар бўйича босқичма-босқич судларга даъво аризалари киритиб бориляпти. Шундан, жорий йил давомида 4 882 та кўп квартиралы уйнинг ертўла қисмлари ўрганилган бўлиб, уларида 888 та қоидабузарлик ва камчиликлар аниқланди. Уларнинг 290 тасига нисбатан маъмурий жарима чоралари қўрилиб, инспекция томонидан берилган мажбурий кўрсатмаларга асосан, 375 та камчилик бартараф

этилган. Мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича судларга 121 та даъво аризаси киритилган.

2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида кўп квартиралы уйларни бошқариш органлари ва пудратчи ташкилотлар томонидан таъмирлаш-тиклаш ишларига йўналтирилган жой мулкдорларидан йиғилган мажбурий бадал ҳамда манзилли дастур маблагларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан 147 та кўп квартиралы уйнинг бошқариш органлари ва коммунал хўжалик кўрсатиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти ўрганилди. Ушбу ўрганиш ишлари натижасида 394 та ҳолатда 26,1 млрд сўмлик қонунбузилишлар аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган. Кўп квартиралы уйларни бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш жараёнида тегишли мулкдорлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида "Менинг уйим" билнинг тизими жорий этилган. Инспекция томонидан ушбу тизим орқали 1 016 та кўп квартиралы уйни бошқариш органнинг фаолияти устидан тегишли кузатиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, кўп квартиралы уйларни бошқарув

органлари томонидан бошқариш қоидаларини бузиш ҳолатлари юзасидан МЖТКнинг 159-моддаси 2-қисмига асосан, 133 та бошқарув органига нисбатан 702,2 млн сўмлик жарима белгиланган. Уйларни муканмал ва жорий таъмирлаш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2024 йилги дастур асосида мукамал ва жорий таъмирланиши лозим бўлган кўп квартиралы уйларнинг 5 409 таси манзилли дастурга кўра тўғри шакллантирилаётганлиги назорат қилинди.

Булардан ташқари, ҳудудий назорат қилиш инспекциялари томонидан куз-қиш мавсуми бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам босқичма-босқич ўрганилиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар киритиб борилмоқда. Хусусан, 2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида ҳудудларда 4 214 та лифт ускунаси йилда камида бир марта техник кўриқдан ўтказилмаганлиги аниқланди. 220 та кўп квартиралы уйга хизмат кўрсатувчи бошқарув органларига "Лифтлар хавфсизлиги тўғрисида"ги регламентга асосан, лифтларни йилда бир марта техник кўриқдан ўтказиш бўйича ёзма кўрсатма бе-

рилди. Мазкур ёзма кўрсатма талабларини бажармаганлиги юзасидан Тоғ-қон, геология ва сановат хавфсизлиги инспекциясининг минтақавий бошқармаларига кўп квартиралы уйлардаги лифтларнинг техник кўриқдан ўтказилиши ташкиллаштирилмаганлиги бўйича вақолат доирасида чора кўрилиши юзасидан 60 та хат юборилди.

Қурилиш соҳасига оид давлат хизматлари кўрсатишда жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида давлат хизматлари кўрсатилишида тегишли хулосалар бериш юзасидан 5 171 та ариза келиб тушган. Шундан, 1 782 таси бўйича ижобий хулоса, 3 141 таси бўйича рад этиш хулосалари берилган ва 248 таси жараёнда. Жумладан, кўп квартиралы уйларнинг биринчи қаватидаги турар ва нотурар жойларнинг тоифаларини ўзгартириш бўйича келиб тушган жами 2 505 та аризанинг 887 таси бўйича ижобий хулоса, 1 439 таси бўйича салбий (рад этиш) хулоса берилган. Шунингдек, қурилиш (реконструкция) тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилишга оид келиб тушган жами 2 666 та аризанинг 895 тасига ижобий, 1 702 таси бўйича салбий (рад этиш) хулоса берилган.



Умар МИРЗАЕВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

## Қонунбузилишлар олди оlinяпти

Бундан беш-ўн йил аввалги Самарқанд билан бугунги замонавий Самарқанд ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Буни нималарда англаш мумкин? Биринчи галда, қурилиш ва ободонлаштириш соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликлар кўзга ташланади. Бу, албатта, тизимда бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилгани, ишчи-хизматчиларнинг ғайрат-шижоати, фидокорона меҳнати, мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланиётгани натижасидир.

Қўнча шаҳарнинг ҳар қадами бугун қурилиш майдонига ўхшатишга келади. Сабаби, кўпқаламзорлаштирилган майдонлардан ташқари, бўш қолган жойларнинг ўзини кўрмайсиз. Бу ерларнинг аксарият қисмида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши амалга ошириляпти. Шу билан бирга, ижтимоий соҳа объектиларнинг барпо этилиши ҳам жадаллик билан олиб бориляпти. Эътиборлиси, бунёдкорлик ишлари асосан, хусусий тадбиркорлар зиммасида. Бундай тадбиркорлар кўп. Улар гўё бир-бири билан мусобақалашаётгандек. Ҳаммасида сифатга эътибор қаратилади, самардорлик кўлдан берилмайди. Бирортасида иш тўхтаб қолмайди, қурилиш материаллари тақчиллигига йўл қўйилмайди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар йили минглаб янги уй-жойлар қурилиб, эҳтиёжманд аҳолига топшириляпти. Қанчадан-қанча оилалар

янги хонадонларга эга бўлмоқда. Самарқанд вилоятида ҳам янги шаҳарчалар ва массивлар барпо этиляпти. Кўп қаватли турар жойлар ва кўпқабатли ижтимоий соҳага оид иншоотлар қад ростляпти. Аммо лойиҳалар сони ошгани сари назорат асосий ўринга чиқади. Чунки халқимизга сифатли хизмат кўрсатиш асосий мақсадимиз экан, ҳар бир объектида олиб борилаётган қурилиш ишларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Уларнинг ҳар бирини назоратни қўйиштириш талаб этилади. Назорат бор жойда эса, қурилишда камчилик ва нуқсонларга деярли йўл қўйилмайди.

2024 йилда вилоят Қурилиш ва уй-жой хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан жами 1309 та объект рўйхатга олинди. Обьектларда 30 284 маротаба мониторинг ўтказилди. Уларнинг натижаларига кўра, 11 709 та, шу жумладан, пудратчиларга 3966 та, бюртмачиларга 3 946 та, лойиҳачиларга 3 797 та ёзма кўрсатмалар берилди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасига асосан, жами 935 та маъмурий жарима қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 апрелдаги "Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 161-сонли қарорига асосан, янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилган объектилардан 788 таси "Сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган био ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформасига" киритилиб, техник паспортлари тўлиқ шакллантирилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси фаолиятига, иш тутумига аҳоли ҳамisha ишонч билдиради. Уларнинг назоратига ишонган ҳолда уй-жой харид қилади. Бу эса назорат инспекциясидан юқори даражадаги масъулият ва жавобгарликни талаб этади. Бу борада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-

лиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Инспекциямиз мутахассислари йил мобайнида рўйхатга олинган объектиларда белгиланган вақтда мониторинглар ўтказишди. Бундай мониторинглар натижасида аниқланган қоидабузарлик ҳолатларида айбдор пудратчиларга, бюртмачиларга лойиҳачиларга ёзма кўрсатмалар берилди. Шунингдек, берилган ёзма кўрсатмалар бўйича аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги сабабли, қорхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди.

Бундан ташқари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари қўпол равишда бузилган ҳолатлар юзасидан демонтаж қилиш бўйича тўпланган материаллар суд органларига юборилди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 99-моддасига асосан, ўтган йилда қоидабузарларга жами 730 та маъмурий жарима қўлланилган. Ноқонуний қурилиш объектиларини бартараф этиш бўйича 690 марта мониторинг ўтказилган. Улардаги ўрганишлар давомида 508 та ноқонуний қурилиш объекти аниқланди. Ана шу ноқонуний қурилишларнинг 12 тасига маъмурий жарима қўлланилган. 4 та яқка тартибдаги турар жой тоифасидаги қурилмаларга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган. 210 тасининг шаҳарсозлик ҳужжатлари расмийлаштирилиб, инспекциядан рўйхатдан ўтказилган. Қолган 294 та объект бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштириш чора-тадбирларини қўриш масаласи мутахассислар диққатига ҳавола қилинган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, инспекция томонидан янгитдан қурилаётган объектилар ишлари устидан мунтазам назорат ўрнатилляпти. Назорат кучли бўлган жойлардаги қурилишларда эса жиддий қонунбузилишлар ва бошқа салбий ҳолатларнинг албатта, олди олинади. 2025 йилда ҳам бу ишларни янада катта куч ва ғайрат билан бажаришда давом этамиз.

Ўлмас ПАНЖИЕВ, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

## Қурилишда назорат – барқарорлик мезони

Янги Ўзбекистонимиз тараққёт стратегиясидаги энг муҳим омил – бу халқ фаровонлиги ҳисобланади. Фаровонлик эса бунёдкорлик, шаҳарсозлик, улкан қурилишларда намойё бўлади. Кейинги йилларда республикамизнинг барча ҳудудлари каби Қашқадарё вилояти ҳам улкан бунёдкорлик марказига айланди.



Маълумки, қуриллаётган ҳар бир иншоот узоқ вақт ва барқарор хизмат қилиши учун қурилиш ишлари мунтазам назоратда бўлиши талаб этилади. Бу борада 2024 йилда вилоятимизда жами 818 та, шундан, 311 та ижтимоий ва инфратузилма объект, 92 та кўп қаватли турар жой куч ва ғайрат билан бажаришда давом этамиз.

Жорий йилда ҳудудий инспекция томонидан "Қурилишда давлат назорати" шаффоф электрон тизими орқали 36 мингдан ортиқ мониторинг ишлари ўтказилди.

Мониторинглар жараёнида объектилар қурилишида иштирокчилар томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича 14 минг 618 та ба-



жарилиши мажбурий бўлган кўрсатма хатлари берилди. Берилган кўрсатмалардаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли 487 та шаҳарсозлик субъектининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди, жаримага йўналтирилди. Буюртмачи томонидан тайинланган техник назорат, муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотларининг ички назорати қонунсиз олиб боририлганлиги ҳолатлари бўйича 356 та тақдимнома киритилди.

Шунингдек, объектиларда сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлари қўлланилаётганлиги ҳолати бўйича ишлаб чиқарувчиларга, етказиб бериш ва фойдаланувчи субъектиларга нисбатан 102 та тақдимнома киритилган. Ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларидаги қурилиш мейёрларига зид ечимлар, ноаниқ ҳолатлар юзасидан 7 та лойиҳа ташкилотининг мавжуд лицензиясини бекор қилиш бўйича тақдимнома киритилган. Шу билан бир қаторда, 275 та ҳолатда объектиларда аниқланган сифатсиз қурилишлар жойида буздириш ташланди.

Булардан ташқари, бюртмачининг техник назоратчилари томонидан 14 минг 651 та, лойиҳа муаллифлари томонидан 14 минг 870 та мониторинг ўтказилган. Бу жараёнда аниқланган камчиликларни тез ва сифатли бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот вакилларига кўрсатмалар берилди.

Албатта, келаётган 2025 йилда ҳам жорий йилда бўлгани каби вилоятда дастурлар доирасидаги қурилиш ишлари салмоғи янада ошиши кутилмоқда. Демак, ҳар бир қурилиш объектини пойдеворидан то пардозига қадар сифатли бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Келгуси йилда ҳам дастурлар бўйича ҳудудий инспекциямиз томонидан объектилар қурилиши устидан Давлат назорати ўрнатилишини таъминлашни мақсад қилганимиз.

Зеро, қурилишда назорат – сифат ва барқарорлик мезонидир.



# “Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас”

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўқишни билсангиз, ҳар бир инсон бир китобдир, – дейишади. Шу сабабли, мақола ёзиш жараёни янги бир инсоннинг ҳаётига қилинган сафарга ўхшайди. Сафарнинг муваффақиятли бўлмоғи эса инсон қалби ва ҳаракатлари қанчалик тўғри ифода топгани билан ўлчанади. Бугун ҳикоя қиладиган қаҳраонимиз ҳам ўз касбининг фидойи ходимларидан бири.



У эътиборлаб эмас, ўзини кимгадир кўз-кўз қилиш фикридан ҳам холи. Агар йўлимизни шу тарафларга тўғрилмасак, балки бугунги мазмунли суҳбатимиздан буткул бебаҳра қолган бўлармидик? Фахриддин Маматов коммунал соҳада узок йиллардан бери ишлаб, кўп қаватли уйларнинг “хирург”ига айланиб кетган.

1976 йил Сурхондарё вилоятининг Денов туманида таваллуд топган қаҳраонимиз ёшлигидан зийраклиги ва серҳаракатлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган. Интилишлар ўз самарасини бериб, у 1993 Тошкент автомобиль йўллари институтига қабул қилинади. Ўқиш давомида коммунал соҳа унинг диққатини ўзига жалб қилди. 1998 йилдан 2022 йилгача Мирзо Улугбек тумани аварияни тиклаш хизматида фаолият олиб борди. Туман ҳокимининг тавсияси билан 2022 йилнинг апрель ойида “Elobod kommunalchi service” бошқарув сервис компаниясини ташкил қилди. Компания ўз маблағлари ҳисобидан қаровсиз қолган ерларда аввалига узумзор ташкил қилиб, кейинчалик 1 млрд 66 млн сўм маблағ эвазига компания учун замонавий офис биноси қурилди.

“Elobod kommunalchi service” БСК дастлаб ташкил этилганида 80 та кўп қаватли уйга хизмат

кўрсатган бўлса, бугунги кунда кўп қаватли уйлар сони 205 тани ташкил қилмоқда. 89 та иш ўрнига эга компания аҳолига 10 дан ортиқ қўшимча сервис хизматини кўрсатиб келади. 24/7 иш тизимидаги авария-диспетчерлик хизмати мавжуд. Қисқа вақт ичида компаниянинг сезиларли даражада ўсишига бир қатор омиллар сабаб бўлди. Биринчидан, компания ташкил этилган илк 6 ойда ўзининг бутун салоҳиятини намоян қилиб, аҳоли ишончига киришига муваффақ бўлди. Иккинчидан, кўп қаватли уйлар атрофида 7 минг квадрат метр асфальт ётқизилди. Асфальт ётқиши арзон жараён эмаслигини ахши англаган аҳолининг компанияга ишончи янада ортди. Айнан шу йўналишда қилинган ишлар “Elobod kommunalchi service” жамоасини етакчилар қаторига киришига сабаб бўлди. Учундан, жамоа аъзоларининг бир-бирини узок йиллардан бери таниши, ўзаро тушуниши сифатли хизмат кўрсатишига замин ҳозирлаб, тушунмовчиликларнинг олди олинди. Тўртинчидан, эски ёғоч роилар замонавий фрамугалар билан алмаштирилди, подвезлар таъмирланиб, ертўлалар яроқли ҳолга келтирилди. Буларнинг бари аҳолидаги бошқарув ширкатлари давридан қолган салбий муносабатни парчалаб, коммунал соҳага ишончини қайтара олди.

## САВОБ ИШДА МИҚДОР МУҲИМ ЭМАС!

Кимгадир оз бўлсада, қўлимиздан келган ёрдамни кўрсата олиш чинакам инсонийликдир. Ишчи ходимларнинг айтишича, Фахриддин Маматов кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи оилаларга қўлидан келганча моддий-маънавий ёрдам бериб келади. Улуғ айём кунлари эса дўконларда текин нон тарқатилади. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор инсонларга имкон қадар кўпроқ ёрдам беришга интилади. Аҳолини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кўнглига озгина бўлса ҳам хурсандчилик олиб кириш пайида бўлади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деди:

– Икконимиз доирасида кўмак бериб, халқнинг ёнида бўлишга ҳаракат қиламиз. Аҳолининг кайфиятини кўтаришга, ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартиришга интиламиз. Биз қиёётган ишлар аслида аризмас ишлардек туюлади. Инсон қилган яхшиликни ошқор қилиши, мақтанмаслиги керак. Ҳозир ҳам шундай деяпману, қилган ишларимизни айтишга ҳам тортиняпман. Халқимизда чап қўлинг берганини ун қўлинг билмасин, деган нақл бор. Шунданми, бу нарсалар ҳақида кўп гапиришни хохламайман. Ахир, ҳаммамиз бирдай инсонимиз. Қийин дамлрда ёрдам қўлини чўзишимиз, бир-биримизни муаммолар қаршисида ёлғизлатмаслигимиз керак. Инсон доимо қўли очик бўлгани ахши. Шунда ишлари ҳам ривож топади, кўнгли ҳам хотир-жам бўлади.

Қаҳраонимиз қиёётган эзгу ишлар гувоҳи бўларканимиз, бир ривоят ёдимизга тушди. Қадимги султонлардан бири ўз ҳисобидан катта масжид қуришни мақсад қилди. Ишчиларни йигиб, ҳеч бир ёрдам қабул қилинмаслигини, барча юмушлар султоннинг ҳисобидан бўлишини қаттиқ уқтиради. Ҳатто бир коса сув бўлса ҳам қабул қилинмаслигини таъкидлайди. Кунлар исиб, қуёшнинг ҳарорати ошади. Ишчилар чарчаган, томоқлари эса қуриган. Шу пайт бир онахон мешда қатик олиб келади ва ишчиларга тақлиф қилади. Чанқаб турган ишчилардан бири қатикни ичади. Эртасига султон келиб ҳаммани йигади ва кечаги ёрдамни ким қабул қилганини сўрайди. Султоннинг вазоҳатидан кўриб кетган ишчи бошини эгиб, ўз айбини тан олади. Шунда султон жилмайиб, “Болам, мен буни кеча тушимда кўрдим. Хайр тарозисининг бир палласида мен кураётган масжид, бир палласида бир коса қатиктенг турганини кўрдим,” – дейди. Бундан шундай маъно англашилдики, Аллоҳ учун қанча миқдорда эҳсон қилганинг эмас, чин қалбдан эҳсон қилганинг муҳимроқдир. Биз учун баъзи ишлар кичик бўлиб туюлса ҳам унинг Яратган олдидаги баҳоси улкан бўлиши мумкин. Шу сабабдан, бир-биримизга яхшилик қилишдан чарчасмаслигимиз керак.

“Elobod kommunalchi service” компанияси ходимларининг ўз ишига бўлган муносабати кўпчиликка ибрат. БСКда ҳар бир фуқаро ишлар билан бошиқ гаплашиш, масалага тез фурсатда ечим топши, хушмуомалалик билан иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ишонч катта масъулият. Озчиликка бу масъулият учун ҳаммаша тайёр, атрофдагиларга ростгўйлиги ва самимийлиги билан ибрат бўлади. Хуллас, унга лойиқ бўлиш жуда мураккаб бўлса, уни бой бериш шу қадар осон. Айни дам ўз иши билан ҳам-



касбларининг ишончини оқлашга, муаммоларини бартараф этишга интиладиган ҳаракатчан ва фидойи инсон ҳақида ҳикоя қиламиз.

## ҚОНУНИЙ ИШЛАШ – АСОСИЙ ЎЛЧОВИМИЗ

“Elobod kommunalchi service” компаниясига таширф буорганимизда Лариса Ашотовна бизни кутиб олди. Ҳаракатларидаги самимийлик ва чиройли муомаласига ҳавас қилдик.

1974 йил Тошкент шаҳрида туғилган Лариса опа кўп йиллар бошқа соҳада меҳнат қилган. Заковатли ва зийрак бу аёл 2009 йилдан коммунал соҳада ишлаб келмоқда. 2009 йилдан 2012 йилгача уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, 2013 йилдан бошлаб эса Мирзо Улугбек тумани аварияни тиклаш хизматида фаолиятини давом эттирган. Шу вақтдан буён Фахриддин Маматов билан елкама-елка ишлаб келмоқда. Уни таниганлар интизомга қатъий амал қилишини, ўз ишига масъулиятли эканини алоҳида таъкидлашади. Нафақат ўз вазифасини тўла адо этади, балки ҳамкасбларидан ҳам ёрдамни аямайди. Ҳар бир ишга диққат билан ёндашиб, муваффақиятли якунланиши учун барча имкониятларини ишга солади. Унинг бу фидойилиги – компания муваффақияти учун муҳим омил ҳисобланади.

Компаниядаги ҳужжат ишларини ўзи амалга ошириб, раҳбарнинг бошқа юмушлар билан эркинроқ ишлашига замин ҳозирлайди. Аҳоли муруж-атлари билан ишлашда оғир-босиқлиги, вазиятнинг мулоҳазакорлик орқали ҳал этиши туфайли кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Уни таърифлаганда рисоладагидек, деган сўзни ишлатиш тўғри бўлади. Сабаби, қувноқлида ҳам, жиддийликда ҳам олтин меъёрни ушлай олади. Фахриддин Маматов айтганидек, коммунал соҳа вакиллари учун кўпол гапириш ярашмайди. Кўп одамлар муаммо билан келиб, вазиятни тушунишни истамай, баъзан ваколат доирасидан ташқаридagi ишларни ҳам талаб

қила бошлашади. Бундай вақтда босиқ муносабатда бўлиш, касб профессионаллигининг бир қисми ҳисобланади. Коммунал соҳада ишлаётган ходимнинг энг биринчи галда асаблари мустақкам бўлиши лозим. Ҳаммаша вазиятга совуққонлик билан ёндашиб, жahl ва ҳиссиётга берилмаслик зарур. Ана шундагина сиз ушбу касбнинг ҳақиқий эгасига айланасиз. Кимнингдир дардида шерик бўласиз. Баъзан оилангиздан кўра, аҳолига кўпроқ вақт ажратингизга тўғри келади. Лариса Ашотовна ҳам узок йиллар давомида юқоридagi барча кўникмаларни пухта ўзлаштириб ўзида сингдирган. Яна бир хурматга сазовор жиҳати шундаки, компаниянинг барча ишларини қонун доирасида ташкил қилишга, бирон камчиликка йўл қўйилса, тезлик билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Айнан шу сифатлари билан у “Elobod kommunalchi service” жамоасида алоҳида хурматга сазовор бўлиб келмоқда.


Компания янги йилда кўп қаватли уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Олдиндаги вазифалар қаторида ишчилар сонини ошириб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиш миссияси ҳам бор. Қолаверса, маиший хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш йўналишларида янги тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш келгуси йилдаги бош мақсадлардан саналади.

Хулоса қилиб айтганда, “Elobod kommunalchi service” бошқарув сервис компанияси ўз калибрини янада кенгайтириб, келажакда Ўзбекистонда биринчи рақамли бошқарув ташкилоти бўлишга жиддий бел боғлаган. Бу мақсад йўлида Фахриддин Маматов ва “Elobod kommunalchi service” жамоасига омад ва муваффақият тилаймиз. Уйлаймики, аҳолининг бугунгидан ҳам фаровонроқ яшаши учун компания қўлидан келган ишни қилади.

Бежизга мақоламизни машҳур асардаги жумла билан номламадик. Жамоа шу кунгача халқнинг кўнглидан жой олиб, норизо қилмаган экан, ишонимизки, бундан кейин ҳам шундай бўлади!

**Янги – 2025 йил ҳаётингизга янги муваффақиятлар олиб келсин!  
Ривожланиш ва ўзгаришлар йили бўлсин!**

“Elobod kommunalchi service” БСК



Янги йил барча касб вакиллариغا катта имкониятлар эшигини очсин!  
Барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт ва хотиржамлик тилаймиз.

“Demetra capital development” БСК



## Ишонч – энг қиммат капитал

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Баъзан бир оилада яшаб туриб, бир-биримизни тушунишимиз қийин бўлади. Чунки ҳар бир инсон ҳодисаларга ўз призмасидан боқади, баҳо беради. Ҳикоя қилишга ҳозирланаётган мақоламиз қаҳрамони Нилуфар Умарова эса 16 минг нафардан кўпроқ инсонга хизмат қиладиган компания раҳбари. Шунча одамнинг кўнглига йўл топиш учун инсондан алоҳида истеъдод талаб қилинади. Эътиборлиси, ташкилотнинг 150 квадрат метрлик маъмурий биноси контейнердан барпо этилган. Шу билан бирга, бошқарув компанияси томонидан соҳага ўз ҳисобидан жами 720 млн сўм миқдорида инвестиция маблағлари жалб этилган бўлиб, улар моддий-техник базани янгилашга ҳамда кўп квартиралар уйларидаги техник ҳолатини соғайтишга йўналтирилмоқда.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида фаолият юритадиган “Demetra capital development” бошқарув сервис компанияси раҳбари Нилуфар Умарова намунали бошқарув услуби билан танилган. Куйида у киши ва унинг сеvimли жамоаси ҳақида сўз юртаймиз. Нилуфар Умарова 1982 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Мактабдаги аъло баҳолари, ота-онаси томонидан яратилган эркин муҳит унинг келажақда ўз ўрнини топишига ёрдам берди. Урта таълимдан сўнг “Бухгалтерия ва аудит” йўналиши бўйича олий таълим олди.

Унинг талабалик йиллари ва коммунал соҳага кириб келишининг ўзи алоҳида ҳикоя. – Отам анча кенг мушоҳадали инсон эди, – деди қаҳрамонимиз. – Онамнинг ишлашига қариндошларимиз қаршилиқ қилган бўлса-да, отам қўлаб-қувватлаган. Отамнинг бевақт вафотидан кейин барча масъулият онамнинг елкасига тушиб, ҳаммамизни ўқитди. Ўзимиз қизиққан соҳага йўналтирдик. Шунда тушундикки, аёл киши ўқиши ва ишлаши керак. Чунки олдимизда қандай синовлар бизни қарши олишини тахмин қилолмаймиз. Коммунал соҳага бўлса, қўшнингнинг таклифи билан талабалик пайтида кириб келганман. У киши коммунал соҳада фаолият кўрсатарди. Соҳани яхши ўзлаштириш учун қўшнингиздан бухгалтерияни ўрганганман. 2002 йил бухгалтер ёрдамчиси, кейинроқ бош бухгалтер сифатида иш олиб бердим. 2013 йилга келиб, ширкат раҳбарига айландим. Ишимизни 3 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатишдан бошлаган бўлсак, 2014 йилга келиб уйлар сони 22 тага кўпайди. Шу тариқа соҳага бўлган муҳаббатим ошиб борди.

Дарҳақиқат, Нилуфар Умаровадаги бой тажриба галдаги фаолиятида асқотди. 2021 йилда ҳокимлик тасвиси билан танловда иштирок этиб, бошқарув сервис компанияси очил имтиёзини қўлга киритди. Ҳокимият томонидан бўлган чорлов уни буткул ҳайрон қолдирганини айтди. Чунки Нилуфар Умарова “Ҳақ олмуру, берилмас” қабилида иш қўрадиган, талабчан, ҳақ-ҳуқуқи учун қўрашадиган раҳбар

эканни кўпчиликлари маълум эди. Аммо масъуллар қаҳрамонимиздек дадил ва шижоатли раҳбарга ишонч билдиришди. Шундай қилиб, танловда ғолиб бўлган Нилуфар Умарова 2021 йил “Demetra capital development” бошқарув сервис компаниясини ташкил қилди.

Айни вақтда компания хизмат кўрсатадиган уйлар сони 109 тани ташкил этади. БСКлар бежизга ташкил қилинмаётганини тушунганини таъкидлади. Сабаби, кўпгина бошқарув ширкатларида иш тизимининг умуман йўқлиги, мақсадсиз йўналтирилган кредитлар, масъулиятсиз ёндашув ва лоқайдлик аҳолининг бутунлай хафсаласини пир қилганди. Бошқарув сервис компанияларининг зиммасига эса айнан шу ишонччи вази фаолият кўрсатди. Айтиш мумкинки, узоқни ўйлаб қилинган ишлар ўз самарасини берди. Бугун одамлар хотиржам, уларнинг дардини тинглайдиган, масаласини хал қиладиган манзил борлигини билишади. “Demetra capital development” компаниясида ҳам ходимларга қўлай шароитлар яратиб берилган. Ишчилар учун дам олиш хоналари, керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бошқа хоналар мавжуд.

Қаҳрамонимизни аҳоли чиндан яхши кўради. Сабаби оддий – у ёлгон гапирмайди, қўлидан келмайдиган ишга ваъда бермайди. Ҳар доим янги кўп қаватли уйни қабул қилиб олгач йиғилиш ўтказиб, биринчи навбатда ертўллалар таъмирланишини, кейин том қисми ёпилишини, ундан ортса, подьездларни таъмирлаш кераклигини тушунтиради. Ишида тартиб бўлишини ҳаммадан талаб қилади. Қайсибир кўп қаватли уйни қабул қилиб олишдан олдин уни яхшилаб кўздан кечирилади, молиявий харажатларини баҳолаб, шу асосда қилинажак ишлар рўйхатини шакллантиради. Инсон юксак натижага эришиши учун ўз ишини чин дилдан яхши қўриши керак. Юксалиш – севгида!



Сўхбатдошимиз ҳам ўз касбига чуқур муҳаббат қўйганлардан. Жамоасидаги ҳар бир ходимни қадрлайди, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат бўлишини хоҳлайди. Кўпчилик уни талабчан ва қаттиққўл инсон сифатида билади, танийди. Аммо қалбининг туб-тубида улкан меҳр-муҳаббат яширин, ҳатто кўчадаги жониворларни ҳам насибасиз қолдирмайди. Унинг яшаш фалсафаси – бажарадиган ишни орқали гўзалликка, ҳалолликка хизмат қилиш. Имкон қадар кўпроқ яхшилик қилиш фойдаси билан яшайди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини жиддий талаб қилади, қилинаётган ишлар қонуний бўлишини таъминламагунча тинчмайди.

Бугунги кунда 41 нафар ходим фаолият юритадиган ташкилот жамоасининг аҳиллигига кўпчилик ҳавас қилади. Ҳар бир жамоа аъзосининг тўғилган кунини алоҳида хурсандчилик билан нишонланади. Байрамларда чиройли тадбирлар уюштирилиб, ишчилар молиявий рағбатлантирилади. Қисқа қилиб айтганда, ҳар бир ходимнинг қадри ва ўрни бор. Ҳамма гап шунда. Инсон ўзи қадрланган, унга ишонч билдирилган, ҳар қандай вазиятда уни химоя қила оладиган жамоада бўлишни хоҳлайди.

“Demetra capital development” бошқарув сервис компаниясининг қолганлардан ажралиб турадиган жиҳати ҳам шунда. Улар аҳолини ва ходимларни биринчи ўринга қўядилар. Бунда Нилуфар Умарованинг ўрни катта, албатта. Ҳар қандай жавабгарликни зиммасига олиб, ходимларини бошимдан халос қила олади. Ишчи-ходимларга хуш-

муомала ва озода бўлишни таъкидлайди. Чунки бу соҳада ҳар хил кайфиятдаги инсонлар билан ишлашга тўғри келади, кўпчилик муаммо билан мурожаат қилади. Бундай пайтда энг кучли курол – ширин сўз ва муомала. Компания фақатгина коммунал хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмаган. Балки кимгадир ҳамдардлик билдирадиган, сирлашадиган, муаммоларига ечим изланадиган ижтимоий манзилга ҳам айланган. Ён-атрофда яшайдиган аҳоли компания офисига “чирғоғи ўчмайдиган уй”, деб таъриф беришади. Чунки ҳаммаша чироқлар ёниб туради, фаолият эса давом этади. Сўхбатлашишни истаганлар хоҳлаган вақтда келиши мумкин. “Demetra capital development” ўзи хизмат кўрсатаётган аҳолининг энг яқин ҳамқори ва ҳамдарди. Бу компания учун ҳақиқий муваффақиятдир.

### ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ УМР

Бу йил 58 ёшни қаршилаган Баҳодир Назаров 1966 йил Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида таваллуд топган. Фаолияти давомида узоқ йиллар қурилишда, 15 йилдан буён коммунал соҳада ишлаб келмоқда, тажрибали ходим. Кўпчиликка устозлик қилиб, шу кунгача юзлаб шогирдларни етиштирган. Оиласини ҳалол пешона тери билан боқаятган, шу ёшида ҳам ёш йигитлар билан тепла-теги ишлаб келаётган ходимни жамоадоллари ҳам ҳурмат қилади. Сўхбатимиз узоқ давом этаман

“Раҳбар бўлиш – бу хизмат кўрсатиш ва бошқаларга куч беришдир, бошқариш эмас”.

Индра Нуу.

Бўлса ҳам кўзларидаги беғуборликни, сўзларидаги самимийликни сезиш қийин келмади.

– Ишим ўзимга ёқади, – деди сўхбатдошимиз. – Узоқ йиллардан бери шу соҳада ишлаб келаман. Тўғри, ҳар хил одамлар бор. Аммо яхши одамлар кўпроқ деб ўйлайман. Бу касб инсонни мулоқотга, халқ билан муомала қилишга ўргатади. Кимнинг ишини чиройли қилиб берсангиз, дуо қилади, миннатдорчилик билдиради. Буларнинг бари одамни яшашга ундайди. Ишимдан, касбимдан розиман. Қайсибир ишни рисоладагидек битирсангиз, ўзингизда йўқ хурсанд бўлиб кетасиз. Ишнинг натижасини кўргач, ҳамма чарқоқлар чиқиб кетади. Жамоам билан ишлаш ёқимли, айниқса, ёшлар билан ишлаш қўлай. Улар билан бирга ишга борсан, кўп нарсаларни ўзлари бажариб, мени аяшади. Бу бамҳурлик ва ҳурматдан ўзимни янада бахтиёр ҳис қиламан.

Худо ҳаммани ўз вазифаси билан яратган. Мен ҳам касбим орқали халқимга нафим тегаётганидан хурсандман. Ростгўй инсонларни яхши кўраман. Ўзи куч-қувват бериб турса, халқимизга хизмат қилишдан чарчамайми.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, 2024 йилда “Demetra capital development” бошқарув сервис компанияси салмоқли ишларни амалга оширди. Қишга тайёрларлик асосида 21 та кўп қаватли уйнинг ички муҳандислик тармоқлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, 3 та уйда совуқ сув учун насос ўрнатилди, 20 га яқин кўп қаватли уйнинг том қисмида мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 12 та кириш йўлаги янги, замонавий қиёфага кирди. 2 та кўп квартиралар уйнинг том қисми капитал таъмирланди. Аҳоли мурожаатларига асосан шахтадаги қувурлар янгиларига алмаштирилди. Янги йилда ҳам бир талай режа ва янги мақсадларни ўз олдига қўйган жамоа ривожланиш сари шаддам қадамлар билан одимламоқда. Кейинги йилдаги асосий режалардан бири – кўп қаватли уйлар сони 200 та етказиб, бошқарув сервис хизматини ёндош туманларда ҳам олиб боришдир.

Нилуфар Умарова ва “Demetra capital development” бошқарув сервис компанияси жамоасига янги йилда янги муваффақиятлар, бахт ва омад, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Ҳаммаша яхшилар назарида бўлиш, халқнинг дуосини олиш ва ишонч-дони бўлиш насиб этсин. Зеро, ишонч – энг қиммат капитал!

# Курашувчан раҳбарнинг меҳнаткаш жамоаси

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳар бир куннинг ўз ҳикояси, ўз қаҳрамони бор. Бугун эътиборингизга ҳавола қиладиган мақоламиз орқали фидойи жамоанинг қайноқ фаолиятига диққат қаратамиз. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида фаолият олиб борадиган "Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компанияси ташкил этилганига кўп вақт бўлмади. Компания раҳбари Гулчехра Ғоипова жамоани усталлик билан бошқариб, қийинчиликларга қарамай, муваффақият сари одимламоқда.**



Гулчехра Ғоипова 1972 йил Тошкент шаҳрида тадбиркорлар оиласида дунёга келган. Ёшлигидан серҳаракат ва интилувчан қиз бўлган. Болалигида юрист бўлишни орзу қилгани боис, Тошкент давлат юридик университетига ўқишга киради. Бир вақтнинг ўзида ширкат бошқарувида фаолият юритиб, параллел тарзда 15 йил давомида Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида ҳам ишлаган. Табиатан курашувчан, голибликка интиладиган қаҳрамонимизда танлаш имконияти кўп бўлган. Ҳатто юрист бўлиш истагида олий таълим олган бўлсада, асосий фаолияти коммунал соҳага боғланди.

– Коммунал соҳага анча ёш пайтим кириб келганман, – деди қаҳрамонимиз. – Ахир, истаган пайтим бу соҳадан чиқиб кетишим мумкин эди, камига юридик соҳада ўқиш бўлса. Аммо халқ билан ишлаш, унинг дардини ҳал этиш завқи бошқача. Кимнингдир қорига яраб, ундан миннатдорлик эшитганингизда бутун вужудингиз энергияга тўлиб, чарқоқлар унутилади. Эрталаб уйғонарканман, янги мақсадлар сари курашга киришаман. Қайсидир ишни бошласам охиригача етказишга, одамларнинг ишончига лойиқ бўлишга интиланман.

Дарҳақиқат, компанияга борганимизда Гулчехра Ғоиповадаги оққўнлилик, ходимларига бекорга келмаганимизга амин бўлдик. У коммунал соҳанинг энг кичик ходимидан компания раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтган. Шу сабаб, ҳар бир ходимнинг қалб кечинмаларини яхши англайди, кадрлайди. 2002 йилдан ширкат раҳбари бўлган Гулчехра Ғоипова аввалига камроқ кейинчалик 18 та кўп қаватли уйни бошқарган. 2022 йилга келиб, касбидаги 20 йиллик тажрибага таяниб, "Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компаниясини ташкил қилишга қарор қилди. Қаҳрамонимиз бошланишида озгина кўрқув бўлганини, аҳоли ишончини қозониш учун анча оғир йўл босиб ўтилганини алоҳида таъкидлади. Бошқарув сервис компаниясининг кўп қаватли уйлари сони яқин икки йил ичида бир неча баробар ошди, 86 тага етди. Бугунги кунга келиб жамоада 40 нафар ходим ишлаб келмоқда.

Тажрибали ишчилардан ташкил топган "Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компанияси халқнинг 90 фоиз муаммосини ҳал этиб, барча қилинган ишларнинг очиқ ҳисоботини тақ-

дим қилиб келмоқда. Компания мижозлар билан алоқада бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инobatга олиб, хизматларини доимий равишда тақомиллаштиради. Ходимларни рағбатлантириш ва уларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилади. Ишчи-ходимлардан бу ерда ишлашнинг нимаси маъқул эканини сўраганимизда, оpanинг ходимларнинг соғлиғи кайфияти билан қизиқиши, пайти келганда, талабчан раҳбар сифатида тоза иш қилишга ундашини айтишди. Бунда касб вакилларининг бир-бирига бўлган ҳурмати ва аҳиллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Коммунал соҳа билан яқиндан танишиб, баъзи янглиш фикрларимизни ўзгартиришимиз керак, деган фикрга келдик. Ушбу йўналишда ишлайдиганларнинг кўпи меҳнаткаш, ҳалол, қалби тоза инсонлар. Аммо ҳамма масъулиятни уларга юклаб, қийин вазиятларда ишламайдиганга чиқариш, қилаётган ишларини назарга илмаслик, эътироф этмаслик инсондан эмас. Аксинча, уларни ҳамisha қўллаб-қувватлашимиз зарур. Англишимиз керакки, ҳозирги бошқарув сервис компаниялари кечаги ширкатлар эмас. БСКларга фақат қувурлар, иситиш тизимлари, тозалик билан шуғулланадиган ширкатлар, деб қараш тўғри эмас. Улар инсонларнинг ишончини оқлаб, қалбини забт этмоқда. Қолаверса, аҳолининг кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир қилиш кучига ҳам эга. Анчадан бери айтиб келамизки, бошқарув сервис компаниялари аҳолининг умумий кайфияти ва маданиятига таъсир қилишда катта ижтимоий институтга айланиб улгурди.

Қўлларидан керакли анжомлари билан ишга шай турган, юз-кўзида оддийлик намoён кишиларни бу соҳада кўп учратасиз. Уларни яхши десангиз, яхши, мактасангиз, шунга арзийди. Сабаби, бугунги коммунал соҳада фақат меҳнат қиладиганлар хизмат кўрсатади. Энди давр ҳам, одамларимиз ҳам бошқа. Вазифасини бажармайдиганлар ўз касбиде узоқ вақт ишлаши амримаҳол. Аҳолинг ҳуқуқий онги ошиб, жамоатчилик назорати кучайиб бормоқда. "Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компаниясини тиришқоқ раҳбар қўл остида хали катта марраларга эришади. Раҳбар ходимларига ишонса, уларни қўллаб турса, меҳнатини муносиб баҳоласа, бундай жамоада муваффақият ва ютуқлар кўп бўлиши таъин.

Кўйида Гулчехра Ғоипованинг ишончи ва ҳурматини қозонган ходимлардан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

## ОДДИЙЛИКДА ГАП КЎП

"Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компаниясида бош инженер бўлиб ишлаб келаётган Умид Абдураҳмонов жамоада ўз ўрнига эга ходимлардан.

У 1991 йил Тошкент вилоятининг Келес шаҳрида таваллуд топган. Умид коллежда ўқиб юрган кезларида ҳам меҳнат билан машғул бўларди. 13 йиллик "Тошсискиқувват" ДУҚдаги фаолиятдан сўнг, 2023 йил "Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компаниясида иш бошлаган. Келганига эндигина бир йил тўлганига қарамай, жамоанинг ишондорлиги ва уюшқоқлигига ўз хиссасини қўшиб улгурди. Аҳолига кўрсатилган хизмат сифатини ҳам яхши то-



монга ўзгартира олди. Бир сўз билан айтганда, компания номида қайд этилганидек, баракали ишларни амалга оширди. Табиатан босиқ, мулоҳазали, кўп гапиришни ёқтирмайдиган бу йигит вазифаларни бажаришда масъулиятли, ўзига билдирилган ишонч киймати яхши билади.

– Коммунал соҳада фаолият юритиш ўзимга ёқади, – деди Умид Абдураҳмонов. – Ҳар кунги бир-бирига ўхшамаган ҳаракатдаги кишилар билан мулоқот қиламиз. Иш жуда қизгин, муносабатлар кўп. Ҳар бир муаммони иссиғида бажаришга ҳаракат қиламан. Бугунги ишни эртага қўйсангиз, вазифангиз янада оғирлашиб, дангасалашиб қоласиз. Келганимдан бери анча ишлар қилдик. Аввало, жамоани биргаликда ҳаракат қилишга, ишни сеники-меники демасликка ундадим. Бу борада раҳбаримизнинг ҳаммага тенг муносабатда бўлиши, камтарлиги, иш юзасидан қаттиққўлиги, ўрни келганда гажмўрлиги ҳам катта роль ўйнайди. Коммунал соҳада ишлаб шуни ургандимки, ҳар бир инсонни эринмасдан эшитиш, дардига қулоқ тутиш керак. Чунки кимдир газабда айнан сизга дуч келиши мумкин. Шундай вақтда босиқ ва вазминлик билан ёндашиб, масалани ҳал этиш керак. Кўз тегмасин, бугун ишларимиз ёмон эмас. Ҳамжихатлигимиз натижасида кишиларнинг эътибор ва ишончини қозона олдик. Биз мукамалмиз, демайман. Аммо қўлимиздан келганича халқимизга хизмат қилишга ҳаракат қиламиз.

Фикрларини лўнда ва аниқ ифода қиладиган Умид Абдураҳмонов оддий бўлишга ҳаракат қилади. Одам бойми, юпунми унга бирдек муомала қилиш тарафдори. Сухбатимиз давомида ҳам иш тажрибаси катта эканини сездик. Инсон кимгадир ишонидан кўра, ўзига ишонгани яхши, деб ҳисоблайди у. Бекорга оддийликда гап катта, демайди доно

халқимиз. Бу ҳам Гулчехра Ғоипованинг бир ютуғи, дейишимиз мумкин. Умид Абдураҳмоновга ишонч билдириб, бугунги кунда ўз касбининг моҳир вакили бўлиб етишиши учун ҳаракат қилмоқда.

"Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компанияси келгуси йилда янада кенгайтишни мақсад қилган. Аҳолининг 90 фоиз қисми тўловларни фаол тарзда тўлаб келмоқда. Томидан чакка ўтадиган кўп қаватли уйлар деярли қолмаган. Ишлар тизимли ҳал этилгани боис, Янги йилда тўловларни максимал кўринишга олиб келиш бош мақсадга айланган. Одамлар компания ишлаётганини, муаммолар бартараф этилаётганини кўрапти. Муқаддас китобларда тозалликка ҳисса қўшганлар алоҳида савобга эга бўлиши айтилади. Коммунал соҳа вакиллари ҳам атрофни тоза сақлаётган, аҳолига чиройли муомала билан хизмат қилиб келаётган фидойи инсонлардир.

Қаҳрамонимиз Гулчехра Ғоипова ҳамisha янги гоғлар билан ёниб яшайдиган, шижоатли раҳбар. Одамларнинг ҳаловатини, тинчлигини ўзининг хотиржамлиги деб билади. Қўл остидагиларга чиройли муомала қилишга одатланган. Улкан марраларга эришишни истайдиган, "Олмазор коммунал барака" бошқарув сервис компаниясини энг етакчи компанияга айлантириш йўлида курашиб келаётган қаҳрамонимизга мустаҳкам соғлик ва омад тилаймиз. Истардикки, компания кундан-кунга халқнинг суянчига айланиб, ободлик ва гузал масканлар ташкил қилишда ҳаммадан биринчи бўлсин. Гулчехра Ғоипова ва Умид Абдураҳмонов барча ҳамкасбларига байрам муносабати билан соғлик ва муваффақият тилади. Биз ҳам уларга фидойи меҳнатлари учун ташаккур билдирамиз. Сизларнинг меҳнаткашлигингиз, халқ учун қилган хизматларингиз ҳеч қачон унутилмайди.

**Кириб келаётган Янги йил билан юртдошларимизни табриклаймиз. Барчага касб ва ҳаётда чин маънода ўсиш йили бўлсин!**

"Олмазор коммунал барака" БСК





# «SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI» DM va uning hududiy boshqarmalari jamoalari

Qurilish sohasining  
qadrli vakillari,  
aziz yurtdoshlarimizga  
kirib kelayotgan

## 2025-yil

muborak bo'lsin!

Yangi yil barchangizga baxt,  
omad va xotirjamlik olib kelsin!

Yurtimizdan tinchlik,  
xonadoningizdan fayz-u  
baraka arimasin!

Kasbingizga rivoj, o'zingizga  
salomatlik tilaymiz.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

**O'ZOG'IRSANOATLOYIHA**  
I N S T I T U T I

Barcha yurtdoshlarimizni, fidoiy quruvchi va loyihachilarni kirib kelayotgan

**Yangi yil bilan qutlaymiz.**

Kelgusi yil barchangizga ulkan muvaffaqiyat,  
salomatlik va baxt olib kelsin!

Har bir kuningiz quvonch-u shodlikka to'la bo'lsin!

**2025**



**"TERMEZ QURILISH INDUSTRIYA SANDAT" IK**

**Yaqinlashib kelayotgan**

**2025-yil**

**barcha yurtdoshlarimizga  
qutlug' bo'lsin!**

Ushbu yilda qalbingizdagi reja va maqsadlaringiz ro'yobga chiqsin. Xonadoningizdan tinchlik-xotirjamlik va baxt-u saodat arimasin.



## "O'ZSHAHARSOZLIK LITI"

Dillarga quvonch, qalblarga ishonch  
bag'ishlovchi eng quvnoq bayram –

*Mangi yil*

bilan barchangizni tabriklaymiz.

Xonadoningizga qut-baraka, o'zingizga sog'lik-omonlik tilaymiz.  
Kelgusidagi barcha ishlaringizga omad yor bo'lsin!





## “TASHGIPROGOR” AJ

Jonajon vatanimiz ravnaqi  
yo'lida mehnat qilayotgan  
yurtdoshlarimizga

# YANGI YIL QUTLUG' BO'LSIN!

Bu yilda amalga oshmagan barcha  
rejalariniz kelgusi yilda amalga oshsin!  
Bayramingiz muborak bo'lsin!




## Toshkent shahar Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Qadri yurtdoshlar, aziz bunyodkorlar –

*Yangi yilingiz muborak bo'lsin!*

Obod va ozod yurtimiz ahlini  
quvontiradigan yaxshi yangiliklarga  
boy yangi yildan umidimiz katta.  
Yangi yil har bir xonadonga  
farovonlik, shodik va  
baxt olib kelsin!





## “QISHLOQQURILISHLOYIHA” bosh loyiha instituti

JONAJON DIYORIMIZNING  
MEHNATKASH XALQINI

**YANGI – 2025-YIL**  
BILAN TABRIKLAYMIZ.

Sizlarga uzoq umr, sihat-salomatlik tilaymiz.  
Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo bo'lsin!  
Vatanimiz ravnaqi uchun xizmat qilishdan  
aslo charchamang!



## Рейтинг тизимидаги янги мезонларнинг афзалликлари

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қурилиш соҳасига жорий этилган тендер рейтинг қандай ишламоқда? Аниқроғи, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан жорий қилинган лойиҳа қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари учун рейтинг тизимига янги мезонлар тадбиқ этилган эди. Мазкур тизимнинг афзалликлари, умуман олганда биноларнинг сифатли қурилишига таъсири қандай?**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда уй-жой, бино ва иншоотлар қурилиши жадаллашиб бормоқда. Очигини айтиш керак, ушбу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорлар сони ҳам ортиб бормоқда. Улар орасида тажриба ва малакаси юқори бўлган қурилиш ташкилотлари, соҳада янги иш бошлаганлар ҳам топилади. Уларнинг ишини назорат қилиш, барпо этилаётган бинолар мустақамлигини таъминлаш эса асосий масала. Шу сабабли тизимда қатор механизмлар жорий қилиниб, улар самарадорлиги баҳолашиб бормоқда. Масалан, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари учун рейтинг тизими шулар жумласидан.

– "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимига маъсум бўлган ташкилотлар томонидан берилган маълумотларга асосан рейтинг шаклланади, – деди Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази мутахассиси Бекзод Ашуров. – Янги мезон тасдиқланди ва у қурилиш-пудрат ташкилотлари орасида ўзаро ҳалол рақобат муҳитини шакллантиради. Авваллари қурилиш-пудрат ташкилотларининг махсус техникалари соҳа ҳолатда экани ҳақидаги маълумотлар келмасди. Ҳозир янги механизм орқали махсус техникаларнинг яроқчилиги ҳамда уларнинг от қунига қараб баҳолаш мезони ишлаб чиқилган.

Давлат объектлари, ижтимоий соҳа объектлари, мактаб, боғча ва сув иншоотларини топширишда рейтинг кўрсаткичларига эътибор берилади. Масалан, турар жой бинолари, инсонлар тақдирини билан боғлиқ аҳолининг ҳавфсизлигини таъминлаш учун ҳам ижтимоий соҳа объектларини малакали ва ишонч қозонган қурилиш ташкилотларига топшириш лозим.

Рейтингдан асосий мақсад, тадбиркорлар, яъни қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртаси-

да соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ёрдам беришдир. Фуқаролар тадбиркор қурган уйлари баччасини билиши учун рейтинг.uz сайтига кириб, тадбиркорнинг рейтинг кўрсаткичларини кўриши мумкин. Масалан, сотиб олинган уй ёки бино қайси пудрат ташкилоти томонидан қурилган, унинг категорияси қандай, қурилиш соҳасида малакали мутахассилар етарли экани тўғрисидаги маълумотларни билиш мумкин.

Рейтингда иштирок этиш содда ва осон бўлиб, ортиқча қўғозболик ва ортиқча вақт талаб этмайди. Рейтинг рўйхатидан ўтиб, ариза юборилади ва ташкилот рейтинг иштирокчисига айланади. Айни пайтда тадбиркорлар томонидан бу борада муносабатлар ҳам йўлланмоқда.

– Рейтинг бўйича асосан молиявий муносабатлар, рейтинг балларининг шаклланиши юзасидан саволлар кўп тушади, – деди мутахассис Умид Абдукаримов. – Молиявий муносабатлардаги баллар ташкилотларнинг йиллик ҳисоботи асосида шаклланади. Бундан ташқари, кадрлар сиёсати оид маълумотлар, ходимларга нисбатан солиқ тўловларини ҳисобга олиш бўйича муносабатлар кўп бўлади. Унда ходимларнинг мавжудлиги ва ҚҚС тўғрисидаги маълумотлар бўйича ҳам алоҳида ўрганишлар олиб борилиб, ўз вақтида муаммоларга ечим топилади.

Маълум қилинишича, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари фаолияти рейтинг кўрсаткичларига кўра баҳоланади. Уларнинг салоҳиятини аниқлаш учун 9 та гуруҳдан иборат 36 кўрсаткичлар амалиётга жорий этилади. Рейтингда янги мезонлар баҳолаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мақсад шаффофлик ва ишончлилиги таъминланган иборат.

## ЎЗБЕК МУТАХАССИСЛАРИНИНГ МУҲАНДИСЛИК МАҲОРАТИ



**Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонида Қирғиз Республикасининг Жалолобод вилоятидаги Камбарота-1 ГЭС қурилиши майдонида "O'ZGASHKLITI" мутахассислари юқори касбий маҳоратини намойиш этишгани ҳақида хабар бергандик.**

Дарҳақиқат, мутахассислар мураккаб муҳандислик-геодезия ва топографик ишлар комплексини амалга ошириб, қисқа муддатларда аэрофотографик харита ҳамда худуднинг аниқ 3D-моделини яратишга муваффақ бўлдилар. Бу жараёнда уларга замонавий учувчисиз учуш аппаратлари ва илгор

технологиялар яқиндан ёрдам берганини таъкидлаш ўринлидир. Ишларнинг юқори тоғли, мураккаб рельеф ва оғир иқлим шароитида олиб борилганига қарамай катта муваффақиятга эришиш нафақат техник маҳорат, балки халқаро ҳамкорликда амалга оширилган самарали фаолият натижаси ҳамдир.

Шунингдек, ушбу йирик лойиҳада Қирғиз Республикаси Энергетика вазирлиги, "Гидропроект" лойиҳа-изланиш институти ҳамда халқаро "AFRY" компанияси мутахассислари ҳам фаол иштирок этишди. Ушбу сый-ҳаракатлар натижасида 1860 МВт қувватга эга Камбарота-1 ГЭС қурилишини амалга ошириш йўлида муҳим қадам қўйилди. Бу стратегик объект 2021 йил март ойида Қирғиз Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида имзоланган "Камбарота-1 ГЭС қурилиши инвестиция қўшма лойиҳасини ишлаб чиқиш" бўйича келишув ва ўзаро электр энергияси етказиб бериш протоколи асосида амалга оширилмоқда. Қолаверса, жорий йилнинг июнь ойида Австрияда ўтказилган Халқаро энергетик инвестиция форуми доирасида Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон энергетика вазирлари Камбарота-1 ГЭС қурилиши ва эксплуатациясини амалга ошириш бўйича уч томонлама келишувни имзолгани ҳам бу борадаги фаолиятни янада ривожлантирди.

Муҳандислик-геодезия ва топографик ишларни бажариш учун энг замонавий жиҳозлардан фойдаланилди. Жумладан, LIDAR тизимига эга DJI "Phantom" ва "Matrice" учувчисиз учуш аппаратлари, Geoscan 201, Sino GNSS N5 ва Trimble Catalyst DA2 сунъий йўлдош навигация жиҳозлари, Trimble Dini O.3 ракамли нивелирлар ҳамда Trimble C5 тахеометрлари бу жараёнда мутахассисларга катта ёрдам берди. Ушбу қурилмалар орқали олинган маълумотлар худуднинг батафсил моделини яратиш ва лойиҳалаштириш учун аниқ асос яратишга хизмат қилди.

"O'ZGASHKLITI" муҳандислари шунингдек, геодезик тармоқ нуқталарини текшириш, IV тоифа нивелирлаш ва худуд майдонида дешифрлаш ишларини ҳам олиб боришди. Норин дарёсида 1:1000 масштабда, 600 гектар майдонда аэрофотографик суратга олиш натижасида ер усти ва ер ости коммуникациялари, гидрография, йўллар ва рельеф аниқланди. Барча ишлар халқаро стандартлар ва техник регламентларга тўлиқ мос равишда бажарилди.

Институт мутахассислари 2025 йилда ҳам улкан режаларни амалга оширишни мақсад қилган. Хусусан, 2025 йил бошида Норин дарёсининг муайян участкаларида батиметрия ўлчовлари, қўшимча топографик ишлар ҳамда комплекс муҳандислик-геологик тадқиқотларни ўз ичига олган янги муҳандислик ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

## ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил декабрь ойининг 27-31 кунлари ва  
Янги 2025 йилнинг январь ойи 1-9 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

### "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!**

Аукцион савдога "UNITED COMMODITIES" МЧЖ хусусий корхонасининг 2024 йил 26 декабрдаги 31-сонли буюртмаомасига асосан "UNITED COMMODITIES" МЧЖга тегишли куйидаги бино-иншоот қўйилмоқда:

Қашқадарё вилояти, Қўқдала тумани, "Айртон" МФЙ, Тинчлик кўчаси манзилида жойлашган нотураб бино-иншоот, **умумий ер майдони** – 3500 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 64719 квадрат метр, **кадастр рақами** 18:08:03:04:01:0016 бўлган қўчмас мулк. **Бошланғич баҳоси** – 30 000 000 000 сўм.

Аукцион савдо 2025 йил 28 январь кунини online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади.

**Аризаларни рўйхатдан ўтказиш мuddати:** 2025 йил 27 январь кунини соат 18.00 гача.

Юқоридаги қўчмас мулк 2025 йил 28 январь кунини сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолар 2025 йил 4 мартга 15 кун оралғида такроран ўтказилади. **Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати:** савдолар ўтказилишидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо фойлибга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш кунини савдо билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

**Талабдорлар юқоридаги мулкнинг 15 фозидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдо рўйхатидан ўтган тўлашлари лозим:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмаот қилини МФО 01121 СТИР 311 041 441.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй.

Телефон: 71-237-23-82.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Котибият баш мутахассиси **Улуғбек Мўминджанов**, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи **Рустам Расулов**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Анвар Ёрқулов**, Матбуот котиби – вазирнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси **Саидносир Усмонов**, Мақсадли дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва буюртмачи хизматлари билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси **Гулчеҳра Аблақимова**, Муносабатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бош мутахассислари **Дилфуза Джалилова**, **Диёра Абдуллаева**, Стратегик режалаштириш ва методология бўлими бошлиғи **Алижон Алимухамедов**, Хўжалик ишлари бўлими иш юритувчиси **Наталья Инамова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувиини ишлаб чиқариш ва ташинишга қўйилмаган технология талабларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Адилбек Джуманиязов**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" ахборот-коммуникация технологияларини мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси **Юсуф Худайбердиев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти маслаҳатчиси **Баҳодир Ходжаев**,

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ бош мутахассиси **Наргиза Уринова**, бош мутахассиси **Оттабек Комилов**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси бош директори **Элдор Муҳамедалиев**, етакчи муҳандис **Дилшод Мирзабеков**, муҳандис-геолог **Иқром Джумабаев**, бош мутахассис **Насиба Улугова**, муҳандис **Николай Ким**, бош мутахассис **Аспор Юнусов**, техник **Сардор Обиджонов**, бўлим бошиғи **Игорь Нестеров**, етакчи муҳандис **Толибжон Алимбоев**, етакчи мутахассис **Дилшод Аҳмедов**, "Шимойлий" филиал иш юритувчиси **Абдуаллий Дауырханов**, "Жанубий" филиал директори **Анвар Воҳидов**,

"Қишлоққурилишлойиҳа" ДМ бош лойиҳа қидирув институти Архитектура ва қурилиш экспериментал лойиҳалаш бўлими бошлиғи **Акрам Мирхаликов**, Муҳандислик коммуникациялари бўлими бошлиғи **Алла Уразаева**,

"Ташгипрогор" АЖ гуруҳ раҳбари **Николай Киялчков**,

"Ўзгирсанотлоийҳа" АЖ ООПР қоровули **Бақитжон Бейсабаев**, ОИСК муҳандиси **Одилжон Тоҳиров**, СОА бўлим бошлиқлари **Одилжон Тоҳиров**, **Нурдаулет Рисқулов**, ОАВПиЭА мутахассиси **Наталья Зеленова**, етакчи муҳандис **Ойбек Ҳамидов**, УПРО ишлаб чиқариш директори **Вячеслав Макаров**, ИЛСК муҳандиси **Фарида Низамутдинова**, техник **Туляган Тишабаев**, ИТ етакчи мутахассиси **Шомурод Ядгаров**, ОВ сектор мудири **Бахтиёр Саидов**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Шаҳарсозлик хўжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси архитектори **Комил Рўзиев**,

"Qo'qon Loyiha Qurilish" МЧЖ электрон-ҳисоблаш машиналари оператори **Дадаҳон Позилов**, техник-қурувчи **Нажмиддин Маматқулов**,

"Бухорознергомарказ" АЖ ПТО **Улуғбек Нарзуллаев**, "Иссиқлик манбаи" ДУК Жиззах вилояти филиали **Урол Бобоёров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Маъсуд Давронов**, Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Алибек Ҳамданов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Маъсуд Давронов**, Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Алибек Ҳамданов**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси шартномалар бўйича мутахассиси **Ўткир Турғунбоев**, Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Камол Жўраев**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Жиззах вилояти филиали Архитектура-қурилиш бўлими бош мутахассиси **Анвар Джўраев**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синав лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Саодат Раҳмонова**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Муносабатлар ва диспетчерлик хизмати шўбаси бош юристконсулти **Иснатилла Улашов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синав лабораторияси ва бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Ўткир Холиёров**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Қашқадарё филиали бош мутахассиси **Униджон Раджабов**, етакчи мутахассиси **Тўлқин Ҳасанов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассислари **Гулрух Бердиева**, **Анвар Воҳидов**, бўлим бошлиғи **Аслиддин Тўйчиев**, бош мутахассис **Ражаббай Баймуратов**,

Сирдарё вилояти Боёв тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Ҳаҷонгир Турдумуратов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бош архитектор **Бекзод Раҳимов**, Марғилон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Абдуқаҳҳор Тўхташенов**, Данғара тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжали-

**УЛАРГА УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ САЛОМАТЛИК ТИЛАЙМИЗ!**



**QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,  
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI  
LOYIHA ILMIIY-TEKSHIRISH INSTITUTI**

# Yangi 2025-yil muborak bo'lsin

.....

YIL DAVOMIDA OMAD, BAXT VA  
FAROVONLIK SIZGA HAMROH BO'LSIN!  
HAYOTINGIZ YANGI IMKONIYATLAR VA  
YUTUQLARGA BOY BO'LSIN!

Samarqanddagi  
**“UNIVER PRO STILE” MCHJ**

Aziz bunyodkorlar va barcha soha xodimlarini  
**YANGI — 2025-YIL BILAN  
QUTLAYMIZ.**

Yangi yilda sizlarga ulkan muvaffaqiyatlar,  
oilaviy xotirjamlik, baxt va omad hamroh bo'lsin!



Samarqanddagi  
**“REGAL” MCHJ**

Barcha yurtdoshlarimizni  
kirib kelayotgan  
**YANGI YIL BAYRAMI**  
bilan tabriklaydi.

Xonadoningizdan fayz-u baraka,  
tinchlik-xotirjamlik arimasin.



**ЎЗБЕКИСТОН  
БУНЫОДКОРИ**

2024 йил ҳам ниҳоясига етиб бормоқда.  
Газетхонларимизнинг қўллаб-қувватлаши ва улар томонидан  
юборилган маълумотлар асосида бугун газетамизнинг шу йилдаги  
сўнги 100-сонини чоп этдик.  
Ҳамкорликда амалга оширган ҳаракатларимиз қандай баҳога  
муносиблиги ҳам яна Сиз азизларнинг ҳукмингизга ҳавола.  
Эшик қоқиб турган 2025 йилда ҳам ҳамкорлигимиз  
янада мустаҳкамланиб, кенг қулоқ ёйиши ва турли мавзулардаги  
материаллар билан газетамиз янада қизиқарли чиқишига  
ишонамиз.

ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАНГИЗГА КУЧ-ҚУВВАТ АТО ЭТСИН,  
ХОНАДОНИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН!



# Халқ ҳаловатини ўйлаб

Адхам ЭҒАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бахт ҳақида ҳар кимнинг ўз талқини бор. Баъзан уни гапира туриб, омадни ҳам тилга олиб қўямиз. Бизнинг наздимизда эса бахтнинг ҳам, омаднинг ҳам биргина эгаси бор – меҳнат. Бугунги мақоламиз қаҳрамони ҳам ҳаётнинг қутилмаган синовлари, жабру ситамлари олдда ўзини йўқотиб қўймади. Румий айтганидек, дардим дармонимдир, дейдиган инсонлар сирасига қиради. Қурашмайди эмас, қурашади! Аммо нодон инсонлар билан ёқа-енг йиртиб ўтирмайди, асл баҳони Яратган беришига ишониб, ишида, вазифасида давом этади. Қаҳрамонимиз кўпам диққат марказида бўлишни истамаса-да, мақоламиз орқали у кишининг ҳолисона меҳнатларини ёритишни мақсад қилдик.



Марям Абдурахимова 1964 йил Хоразм вилоятининг тарихи гўзал, қадимий шаҳарларидан бири – Хивада таваллуд топган. Ота-онаси яхшилар изидан юрсин, қалби порлоқ бўлсин, деган мақсадда Марям исмини қўйишган. Китоб ўқилган уйнинг шами ўчмайди, дейишлари бежизга эмас. Оилада ўқимини ва кенг тушуначили бўлишга жиддий эътибор берилганини қаҳрамонимиз алоҳида хотирлайди. Инсон ўз ҳаёти қайси йўналишда давом этишини тахмин этиши қийин масала. Чунки келажак Яратганнинг ўзигагина аён. Қаҳрамонимиз ҳам ёшлик қизиқишларига кўра, молия соҳасида олий таълим олди. Ўз соҳасига севгиси юқори бўлган. Аммо тақдирнинг йўриги бошқача бўлиб чиқди. Меҳнат фаолияти коммунал соҳага боғланди.

Бир нарсани аниқ айтиш керакки, унинг молиявий билимлари маблаг танқис бўладиган коммунал соҳада анча асқатди. Мавжуд маблағни тўғри йўналтириш, халқнинг шикоятларини қондириш даражасида тақсимот қилиш осон иш эмас. Ўз ишининг устаси бўлган инсонга эса булар чўт эмас. 2000 йилдан бошлаб коммунал соҳага кириб келган қаҳрамонимиз одамларнинг оғирини енгил қилиш, инсонлар турмуш тарзига гўзаллик олиб киришдан ўзгача завқ туя бошлади. Бу эса кейинги фаолиятини шу соҳага бағишлашга сабаб бўлди. 2006 йилга келиб "Бомонд сервис коммунал" бошқарув сервис компаниясини ташкил этди. Аввалига 3 та кўп қаватли уй билан бошланган фаолият ҳозирга келиб анчайин кенгайиб улгурди. Айни пайтда "Бомонд сервис коммунал"



2 та маҳаллада жойлашган 74 та кўп қаватли уй аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Қўлимиздан келганча халқимизга ёрдам беришга, аҳолининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламиз, – деди Марям Абдурахимова. – Узимнинг соҳада (молия) фаолият олиб бориш мен учун анча қўлай бўларди. Коммунал соҳа аёллар учун кўп машаққат туғдирадиган, 24 соат сергаклик талаб қиладиган фаолият. Бироқ табиатимизда кийин вазифаларни уудалашга бўлган иштиёқ юқори эди. Шу сабаб ҳам коммунал йўналишининг кўп томонлари ўзимга маъқул келди. Кимнингдир қўтқарувчи-

сига, кимнингдир дўстига, кимнингдир сирдошига айланасиз. Пайти келганда ўринсиз шикоят, тўхматга ҳам дуч келишингиз мумкин. Бу – иш. Сиз касбингизнинг оғриқлари, ютуқлари билан қабул қилсангизгина ўз ишингизни сидқидилдан бажара olasiz. Ҳали ўрганадиган нарсаларим кўп. Ўйлаб қарасангиз, рақамлар билан ишлайдиган молиячининг ертўларда қувур алмаштириб юриши қизиқ ҳодиса. Хар хил вазият бўлди. Ҳатто тиззамизгача сув кечиб, аварияни бартараф этган вақтларимиз бўлган. Муҳими, ўз ишини қўлишдан чинакам завқ ола билиш. Шунда унча-мунча қийинчилик кўзингга



кўринмайди. Инсон иштиёқ билан баркамоллашади. Мен бу соҳани қийин деб ўйламайман, сабаби, ўз ишимни, хизмат кўрсатаётган аҳолини жуда яхши кўраман.

## КАСБ МАШАҚҚАТЛАРИ

Дарҳақиқат, ҳар бир касбнинг ўз машаққатлари бор. Қаҳрамонимиз таъкидлаганидек, коммунал соҳада ҳам ўзига хос қийинчиликлар бор. Бу соҳада энг кўп керак бўладиган ва толиқадиган нарса – асаб. Кимдир вазиятни тушунмасдан жанжал қилиши, вазифангизга кирмайдиган ишларни талаб қилиши, сизнинг ҳам оилангиз, иссиқ жонингиз борлигини унутиши деярли оддий ҳол. Шу сабаб, бу соҳа энг коммуникатив, қийинчиликка тўла бўлиши билан ажралиб туради. Коммунал соҳа вакиллари шифокорга ўхшатиш мумкин. Улар ҳам сиз ва биз яшайдиган уйларнинг қон томирларини назорат қилиб боришади, зарурат бўлса, тузатиб қўйишади.

Марям Абдурахимова ўзини камчиликлардан ҳоли, деб билимайди. Иш кўламини кенгайтиришга, аҳолини миннатдор қилишга бор эътиборини қаратади. У компаниянинг ишини олиб боришда ўзига ҳош ҳош эга раҳбарлардан. Ходимларни рағбатлантиришга, тажриба ва меҳнатга қараб ҳақ тўлашга жиддий амал қилади. Байрамларда мавжуд имкониятдан келиб чиқиб ходимларни молиявий рағбатлантиришни унутмайди. Жамоасига ақин бўлишга, ҳам қатъий талаб ва назоратни унутмай, ишни сифатли йўлга қўйишга диққатини қаратади. Узок йиллик меҳнат тажрибасидан келиб чиқиб, унинг бошқарувчанлиқда ҳам уста эканини сезиш мумкин. Компаниянинг мавжуд ютуқлари билан қизиққанмизда, шу нарсага ғувоб бўлдики, жамоа ўз имкониятидан оқилона фойдаланади. Заҳира қувурлари тайёрлаб қўйилгани боис, шошилинч вазиятларда ҳолатни тезда бартараф этиш имконияти мавжуд. Ҳатто том ёпиш учун олдиндан заҳира сифатида шакллантирилган материаллар борлиги ҳам эътиборимизни тортди.

"Бомонд сервис коммунал" бошқарув сервис компаниясида 2 та мотороллер, битта Лабо автомашинаси, катта-кичик компрессорлар ва бошқа турдаги махсус анжонлардан иборат моддий-техник база мавжуд. Ҳозирда жамоа аъзолари 21 кишини ташкил этади. Иш кўлами ошадиган пайтларда мавсумий ишчилар хизматидан

фойдаланилади. Компаниянинг келгуси йилда ўз олдига қўйган мақсадлари катта. Замонавий офис биносига кўчиб ўтиш, ходимлар ва кўп қаватли уйлар сонини кўпайтириш шулар жумласидандир. Ўзининг ҳалол меҳнати билан турли мукофотларга сазовор бўлган Марям Абдурахимова бу йил 60 ёшга қадам қўйди.

– Инсоннинг яшашдан мақсади – яхшилик, – деди Марям Абдурахимова. – Фақат шу орқали ўзимизга насиб этилган ақл неъматини оқлашимиз мумкин. Кўп қаватли уйлар орасига гуллар экишни, ўриндиқлар ўрнатиб, аҳолига қўлайлик яратишни ёқтираман. Оддийгина ўзгаришлар ҳам аҳолининг кайфиятига, турмушига ижобий таъсир қилади. Қилган яхши амалларимиз билан фарзандларимизга ўрнак бўлишимиз керак. Қайси соҳада ишлаганидан қатъий назар, тўғрисида ва ҳалол бўлсангиз, Худойининг ўзи йўлингизни очиб қўяверади. Кўпчилик доим табассум қилиб туришимни алоҳида эътироф этишади. Жаҳл устидан келган фуқаролар ҳам бир зумда босилиб қолади. Ҳадисларда айтилгани каби бу ҳам бир эҳсон. Бу дунё ҳаммамиздан қолади, шу жумладан, инсонларга қилган муносабатимиз, кўрсатган ғамхўрлигимиз ҳам ҳеч қачон унутилмайди.

**Қандай инсонни ҳурмат қилишимни сўраган эдингиз. Мен инсонни инсон ўрнида кўрадиган инсонларни жуда қаттиқ ҳурмат қиламан. Ҳалоллик энгилмайди, тўғриси одам ютқазмайди.**

Онам раҳматли ҳаётда сабр билан барча қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкинлигини қайта-қайта таъкидларди. Оилам, турмуш ўртоғим бўлмаганда, босиб ўтган қийинчиликларимни бир ўзим енгишни қийин бўларди деб ўйлайман. Қисқа қилиб айтганда, ҳаммаси учун шукр қиламан.

Марям Абдурахимова ва "Бомонд сервис коммунал" жамоасига келгуси йилда ҳам юксак муваффақиятлар тилаймиз. Янги йилда янги манзилларда янги марраларни забт этиш насиб қилсин! Эзгу ниятлар бир кун ўз сўзини айтади!



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир хайъати раиси),  
Шерзод Хидоят,  
Давронжон Адилов,  
Тоир Алимов,  
Озода Жўраева,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Магруппов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Эммурадов,  
Қудратбек Хошимбеков.

## ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан **нашрга тайёрланди.**

## "ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МАУССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,  
"Ўзсанотқурилишматериаллари" уюмчаси, "ЎзАШКЛИТИ" ДУК,  
"ЎзшахарсозликЛИТИ" ДУК,  
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (қабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

## ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г-1241.  
1504 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.  
Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

## КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Ҳўжаева.  
**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎЗА якуни – 00.30.  
Топширилди – 02.40.

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2025 йил 10 январь куни чиқади.

# "АРЧА" КРОССВОРДИ

**Бўйига:** 1. Вақт ўлчов бирлиги, лекин, йил ҳам эмас, кун ҳам эмас. 2. Форсча "сув". 3. Сўзлашувда «нафар» ёки «дона» сўзлари ўрнида ишлатиладиган қўшимча. 4. 2025 йил муҳал ҳисоби бўйича – ... йили 5. Тўплам, гала. 6. Бир хонадонда яшовчи қариндошлар. 7. Ҳозирги Арманистон, Туркия ва Эрон ҳудудларини эгаллаган қадимий давлат. 8. Мультфильмдаги машҳур балиқча. 9. Маъқуллаш ва тасдиқлаш маъноларини ифодаловчи сўз. 10. АҚШдаги шаҳар – ...-Вегас. 11. ...логия – жониворларни ўрганувчи фан. 13. Чеченистон футбол клуби номи. 15. Атир идиши. 16. Миккининг «фамилияси». 17. Янги йил дарахти. 19. Қўзғалмай яшовчи денгиз жонивори. 21. Япониянинг электр жиҳозлари ишлаб чиқарувчи компанияси. 22. Уйнинг уч томони берк, бир томони эса «очиқ» хонаси. 23. Соч ўрими. 24. Ер остида яшовчи сўтмазуви жонивор.

**Энига:** 2. Нарсанинг тағ қисми, туб. 4. 1901 йилда ёзилган "Олти тилли луғат" муаллифи Исоқхон ... . 6. Сехрли чироқ соҳиби. 9. Индонезиядаги курорт-орол. 10. Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар Тошкент кўчаларида юрган автобус русуми. 12. Аканинг опаси ёки синглиси. 14. "Уртасида" маъносини билдирувчи сўз. 15. Қўғирчоқ кучуқнинг лақаби. 16. Аёллар исми. 18. Бухорий, Термизий каби уламоларга берилган унвон. 20. Компьютернинг асосий қисмларидан бири. 23. "Насия" сўзининг асосий маъноси. 25. «Эсмиларда» сериали бош қаҳрамонига овоз берган ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шохида ... . 26. Қўшалокширинлик. 27. Янги йил байрами бош қаҳрамони. 28. Қоҳира шаҳрини иккига бўлувчи дарё.

